Атомно-силовая микроскопия подразделяется на контактную АСМ и бесконтактную АСМ. В случае контактной АСМ дистанция d должна быть меньше 2 Ангстрема, где взаимодействия доминируются межатомными силами притяжения и отталкивания. Контактная АСМ имеет много проблем. Это связано с тем, что полученные изображения могут быть конволюцией заостренного наконечника и поверхности, которая возникает из-за очень близких дистанций при проведении измерений. Для того, чтобы избежать таких проблем, была развита бесконтактная АСМ. Первые полученные измерения показали, что этот вид АСМ является более надежным. Он был использован для получения оксидных поверхностей многих элементов.

В бесконтактной АСМ кантилевер вибрируется около поверхности образца. Дистанция d при этом может варьировать от десятков до сотен ангстрем. При этом сила притяжения между поверхностью и кантилевером может быть около 1 пиконьютона. Достаточно жесткий кантилевер вибрируется около своей резонантной частоты. При этом изменения частоты используются для измерения изменений градиента силы, который отражает изменения дистанции d между кантилевером и поверхностью. Компьютерная программа находит резонантную частоту или амплитуду вибрация кантилевера и поддерживает его постоянной с помощью системы обратной связи, которая приводит в движение сканер вверх и вниз. Движение сканера используется для генерации данных. Эти данные могут быть данными топографии или электронной структуры образца в зависимости от актуальных сил. Например, если силы Ван-дер-Ваальса преобладают, то это будут топографическими данными.

Силы взаимодействия, возникающие между кантилевером и поверхностью, являются как микроскопическими, так и макроскопическими. Многие эксперименты показали, что очень важно моделировать эти силы на атомистическом уровне, так как релаксация поверхности и загрязнение заостренного наконечника кантилевера поверхностью образца и/или атомами окружающей среды может иметь существенное значение при получении изображений сканирующей зондовой микроскопии (СЗМ).

Известно, что существуют следующие силы взаимодействия:

- Химические силы- эти силы возникают из-за взаимодействий атомов в нанометрической модели заостренного наконечника (нанонаконечник) и поверхности.
- Сила Ван-дер-Ваальса- эта сила возникает из-за взаимодействия флуктуационных диполей в микроскопическом заостренном наконечнике (микронаконечник) кантилевера и поверхности.
- Силы изображения- возникают из-за поляризации проводящих материалов.
- Ёмкостная сила- возникает из-за приложенного напряжения между макронаконечником и поверхностью.
- Силы, возникающие из-за зарядки поверхности или кантилевера.

Магнитные силы- возникают из-за взаимодействия магнитного наконечника с поверхностью.

АСМ измеряет силы взаимодействия между кантилевером и поверхностью детектированием изгибания кантилевера. Существует много методов детектирования изгибания кантилевера. Среди них наиболее используемыми являются волоконно-оптический интерферометер, четырех-квандрантный фотодетектор, пьезоэлектрический детектор.

В четырех-квандрантном фотодетекторе лазерный луч фокусируется на кантилевер. Лазерный луч отражается на четырех-квандрантный фотодетектор точно в центр. При выполнении сканирования изгибание кантилевера приводит к отражению лазерного луча в другие области фотодетектора. Таким образом, фотодетектор осуществляет контроль изгиба кантилевера. Данный метод нуждается в постоянном выравнивании лазерного луча, которое практически сложно осуществить в случае *in-situ* эксперимента, т.е. в случае сверхвысокого вакуума или сверхнизких температур. К тому же, вся оптическая установка должна находиться под куполом вакуумной установки.

В случае пьезоэлектрического детектора кантилевер имеет специальную пьезоэлектрическую пленку. Пленка изготовлена в виде сэндвича между двумя электродами. Механическое напряжение от изгиба кантилевера генерирует электрическое поле в пленке и приводит к образованию электрических зарядов на электродах. При этом пьезоэлектрические кантилеверы с постоянной Гука 10 Н/м являются достаточно чувствительными давать изображения атомного гофрирования на периодических кристаллах.

Нами был использован волоконно-оптический (ВО) интерферометер. В данном методе используется ВО лазерный диод, 2X2 ВО ответвитель и фотодиод, чувствительный к длине электромагнитной волны, генерируемой в лазерном диоде. В качестве несущей части был использован одномодовый ВО кабель фирмы Thorlabs (Corning optical fiber). Он имеет следующие спецификации: действующая длина волны- 980- 1060 nm, уменьшенное затухание при изгибе ВО кабеля, размер внешней оболочки ВО кабеля- 125 nm. В качестве генерирующего лазерного диода нами был использован ВО пиджитейловый лазерный диод (fiber

pigtail laser diode) фирмы Thorlabs. Он имеет ВО кабель на выходе, который отполирован при угле 8° для минимизации шума (только для одномодовых ВО кабелей). К нашему лазерному диоду был также приобретен от Thorlabs драйвер, который работал при постоянной мощности. Диапазон тока драйвера - от 0 до 250мА. Работает от 8-12 вольтовых выпрямителей.

Для исполнения контактов также были использованы FC и FC/APC коннекторы (Thorlabs) для одномодовых ВО кабелей. FC коннектор имеет пре-радиусированную керамическую феррулу, при этом его наконечник минимизирует отражения. FC/APC коннектор имеет 8° отполированную феррулу, которая упрощает угловую полировку при полировке. Этот коннектор имеет малую 0.25dB коннектор-коннектор потерю.

Для исполнения полировки были использованы специальные полирующие поверхности. Технология исполнения полировки требует последовательно проводить полировку на 5mm, 3mm, 1mm, 0.3mm. Соответствующие поверхности были также приобретены в Thorlabs. Полирование следует осуществлять на полирующих дисках. Для выполнения FC и FC/APC коннекторов нужны разные диски.

Таким образом, были приготовлены все части для ВО интерферометра. Соединение коннекторов осуществлялось с помощью FC-FC и FC-FC/APC соединяющих муфт. Прежде чем выполнить это, были осуществлены соответствующие соединения коннекторов с ВО кабелями. Для этого используется 5 мин. эпоксидное масло F120 (Thorlabs). После соединения коннектора с кабелем нужно подождать 30 мин. для выполнения полировки. Для инъекции эпоксидного масла требуются специальные шприцы.

**САРЫМСАКОВ ТИМУР
РАВШАНОВИЧ**

*ОАО «Енгматтижмарказ»
Отдел экспорта
Главный специалист*



*Нюрнбергский университет им. Ома
(Германия)
Бакалавр (2002)*

**ДОЛГОСРОЧНОЕ И СРЕДНЕСРОЧНОЕ
ЭКСПОРТНОЕ ФИНАНСИРОВАНИЕ В
ПОДДЕРЖКЕ НЕМЕЦКИХ КОМПАНИЙ В
ЭКСПОРТЕ В СНГ**

В течение более 10 лет независимости страны СНГ прошли через свой путь реформ к рыночной экономике. Некоторые страны выбрали более либеральные реформы, остальные — поэтапные институциональные. В связи с распадом торговых отношений между странами СНГ в 1991 году, а также с уменьшением государственных закупок, данные страны потерпели резкие падения производства, и некоторые страны до сегодняшнего дня не достигли уровня производства 1990 годов.

Высокий уровень задолженности, недостаточные валютные резервы, ограниченные рынки ценных бумаг, неэффективная банковская система, неинтенсивное привлечение иностранных инвестиций и дефицит текущих балансов в СНГ являются основными причинами большого спроса на использование инструментов финансирования и страхования в целях поддержки экспорта из Германии в СНГ.

Среднесрочное и долгосрочное экспортное финансирование включает в себя комплекс инструментов рефинансирования экспортных кредитов, а также страхование дан-

ных кредитов. Основными формами являются кредит поставщика, кредит покупателя, кредит между банками, форфетирование и экспорт лизинг. Крайне важна роль таких организаций, как АКА и КФВ, которые предоставляют в Германии экспортное финансирование, а также компания «Хермес», страхующая данные экспортные кредиты в страны СНГ. Данные организации потенциально могут удовлетворить спрос на финансирование импорта долгосрочных инвестиционных товаров из Германии в страны СНГ.

Страхование экспортного кредита компанией «Хермес» является для немецкого экспортёра в страны СНГ основной предпосылкой для получения экспортного кредита. Его функция очень важна так, как ни немецкий экспортёр, ни банк не желали бы находиться в сомнении в возврате экспортного кредита.

АКА, КФВ и коммерческие банки Германии предлагают немецким экспортёрам долгосрочное экспортное финансирование при экспорте в СНГ при наличии страхования «Хермес». Касательно роли в поддержке экспорта в СНГ данные организации имеют различные роли в зависимости от объёма услуг, охватывающие именно страны СНГ, процентных ставок, спектра видов финансирования, максимальных сроков финансирования, наличия корреспондентных банков в СНГ, количества долгосрочных договорённостей с банками СНГ, а также многих других преимуществ для немецкого экспортёра в страны СНГ касательно данных услуг.

Основной преградой в финансировании экспорта в СНГ является высокий риск СНГ, который влечёт за собой высокие платежи за страхование «Хермес», что оказывает отталкивающее действие в вовлечении немецких экспортёров в экспорт в СНГ.

Форфетирование и экспортный лизинг являются также инструментами, покрывающие большой спрос на финансирование средне- и долгосрочных экспортных кредитов в страны СНГ. Форфетирование означает закуп дебиторской задолженности, при которой продавец задолженности теряет ответственность за данную задолженность после продажи. Основной проблемой является тот факт, что по мере возрастания риска страны назначения экспортного кредита, величина дисконта, за вычетом которого закупается задолженность, также возрастает, и даже при крайне вы-

соком риске вынуждает форфейтинговые компании отказываться от предоставления своих услуг

В то время как большой дефицит в капитале и в валютных резервах стран СНГ увеличивают спрос в дополнительном финансировании при экспорте долгосрочных инвестиционных товаров немецкими фирмами в СНГ, то высокий уровень риска данного региона является основной преградой в использовании инструментов средне- и долгосрочного финансирования. Данное развитие отрицательно сказывается на конкурентное преимущество немецких экспортеров в СНГ перед экспортерами других стран.

САТТОРХОНОВ АЛИШЕР ГАНИБАЛОВИЧ



*Андижон вилояти ҳокимиятининг
молия бошқармаси
Бош иқтисодчи*

*Стратклайд университети (Буюк
Британия)
Молия Магистр (2000)*

ОПЦИОННИНГ АСОСДАГИ АКЦИЯГА ТАЪСИРИ: ЭМПИРИК ТАҲЛИЛ

Black-Scholes нинг опционни ҳеч қандай таъсирга эга бўлмаган қимматбаҳо қоғоз сифатида таърифловчи моделининг номукамаллиги исботлангандан сўнг, опционнинг қимматбаҳо қоғозлар бозоридаги таъсири жуда кўп маротаба ўрганилди. Шунга қарамасдан ушбу мавзудаги мунозаралар бугунги кунда ҳам аниқ якунини топгани йўқ. Шу билан бирга, опционнинг ўз асосидаги акция нархи ва бошқа савдо хусусиятларига қай йўналишда таъсир қилиши ва ушбу таъсирнинг сабаблари юзасидан олиб борилган ҳам назарий, ҳам эмпирик тадқиқотларнинг натижалари анча зиддиятлидир. Қуйидаги мақолада баён этиладиган эмпирик таҳлилни ўтказишдан асосий мақсад ушбу мавзунини яна бир бор ўрганиб, аниқ хулосага келиш ҳамда бу борада ўтказилган тадқиқотлар доирасини кенгайтиришдир. Шу сабабли, бу тадқиқотда нафақат опционнинг ўз асосидаги акция савдо хусусиятларига бўлган таъсири, балки унинг турли шакл ва хусусиятларга эга компаниялар акцияларига бўлган таъсири ҳам таҳлил қилинади.

1976 йилда Ross (1976) опционнинг мукамал бозорлар мавжуд бўлмаган ҳолатда рақобатли мувозанат самарадорлигини оширувчи ўз таъсир доирасига эга бўлган қим-

матбаҳо қоғоз эканлигини назарий жиҳатдан исботлаб берди. Бу ўша пайтларда машҳур бўлган Black-Scholes нинг опционни баҳолаш моделига зид эди, чунки ушбу моделга кўра опцион нозарур, арбитраж имкониятига эга бўлмаган қимматбаҳо қоғоз бўлиб, у бошқа қимматбаҳо қоғозларга таъсир қилиши мумкин эмас деб ҳисобланган. Rossнинг мақоласи опционнинг таъсир йўналишини аниқ кўрсатиб бермаган бўлсада, у иқтисодий таҳлил соҳасида янги мунозаралар учун йўл очиб берди. Унинг мақоласидан кейин Black-Scholes нинг модели инкор этилиб, опционнинг қимматбаҳо қоғозлар бозоридаги таъсири жуда кўп мартаба ўрганилди.

Аммо, бу илмий ишлар берган хулосаларнинг қўпчилиги Rossнинг натижаларига тўғри келсада, улар ҳар доим ҳам бири-бирига тўғри келмайди. Мисол учун, бир гуруҳ тадқиқодлар, Rossнинг хулосасини маъқуллаган ҳолда, қимматбаҳо қоғозлар савдоси амалга ошириладиган бозорларнинг номукамаллиги сабабли, янги савдога чиқарилган опцион ўзининг асосидаги қимматбаҳо қоғозга таъсир қилади деган фикрни бердилар (масалан, Conrad (1989), Detemple and Jorion (1990)). Ушбу тадқиқодлар опционнинг савдога чиқарилиши унинг асосидаги акция нархини оширади деган хулосага келганлар. Бошқа гуруҳдаги тадқиқодлар (масалан, Ho and Liu (1997), Danielson and Sorescu (1999)) нинг таъкидлашларича, опцион савдога чиқарилгандан кейин қисқа муддат давомида савдо қилиш тўсиқларининг йўқолиши опцион асосидаги акция нархининг ўзгаришига олиб келади деб таъкидлайдилар. Бу турдаги тадқиқодларнинг натижаларига кўра, опцион савдога чиқарилгандан кейин унинг асосидаги қимматбаҳо қоғоз нархи пасаяди. Булардан фарқли ўлароқ, Sorescu (2000) нинг натижалари 1980 йилдан олдин савдога чиқарилган опционларнинг акция нархига ижобий таъсир қилганлигини, 1980 йилдан кейин савдога чиқарилганлари эса акция нархига салбий таъсир қилганлигини кўрсатди.

Куйида баён этиладиган эмпирик тадқиқот 30 та компаниянинг 1986 йилдан 1999 йилгача бўлган маълумотларидан фойдаланиб, опционнинг савдога чиқарилгандан кейин ўз асосидаги акциянинг турли хусусиятларига таъсир қилишини стандарт ҳодисаларни ўрганиш услуби ёрдамида ўрганади. Хусусан, савдога чиқарилган опционнинг акция нархи тебранувчанлигига, акциянинг олди-сотди нарх-

лари орасидаги фарқига, акциянинг савдо ҳажмига бўлган таъсири ва улар орасидаги алоқадорлик ўрганилади. Бундан ташқари, сезирлик таҳлили ҳам ўтказилиб, турли бозор баҳосига, турли дивиденд тебранувчанлигига эга бўлган ва турли муддатларда опционни савдога чиқарган компаниялар акциялари нархининг опцион савдога чиқарилганидан кейинги ўзгариши ҳам таҳлил қилинади.

Турли эмпирик тадқиқодлар турлича ҳодиса ойнасини ишлатганлар. Масалан, Detemple and Jorion (1990) опцион савдога чиқариладиган сана эълон қилинган кун ва у савдога чиқарилган кун орасида опцион асосидаги акция нархининг сезиларли даражада ўзгармаганлигини аниқлаганлар, шу сабабли улар ўз эмпирик тадқиқодлари учун +7; -7 кунга тенг ҳодиса ойнаси етарли деб ҳисоблайдилар. Бундан фарқли ўларок, Ho and Liu (1997) эса мусбат ялпи анормал миқдорларнинг опцион савдога чиқариладиган кундан энг камида 100 кун олдин бошланишини таъкидлаб, ўз тадқиқотларида ҳодиса кунидан 100 кун олдинги ва 100 кун кейинги муддатни ўз ичига олувчи ҳодиса ойнасидан фойдаланганлар.

Ушбу эмпирик тадқиқот учун ҳодиса ойнасини белгилаш мақсадида 30 та компания акцияларидан тахминан танлаб олинган 15 тасининг анормал миқдорлари (АМ) ва ялпи анормал миқдорлари (ЯАМ) алоҳида ўрганиб чиқилди. Натижада, акция нархларидаги сезиларли ўзгаришлар фақатгина ҳодиса кунидан 30 кун олдинги ва 10 кун кейинги муддатда рўй берганлиги аниқланди. Шу сабабли, ушбу тадқиқот учун ҳодиса ойнаси $-30; +10$ кун қилиб белгиланди.

Акция нархларидаги систематик ўзгаришларни аниқлаш мақсадида бозор моделидан фойдаланилди. Анормал миқдорларнинг статистик ҳажмини аниқлаш учун ҳам параметрик, ҳам нопараметрик тестлар қўлланилди. Опционни ўз асосидаги акциянинг савдо хусусиятларига таъсирини текшириш учун t-test ва Corrado and Zivney (1991) да қўлланилган sign-test дан фойдаланилди. Турли хусусиятларга эга компанияларнинг акцияларига улар томонидан чиқарилган опционнинг таъсирини таҳлил қилиш учун Danielson and Sorescu (1999) даги усулдан ҳамда *икки намунали* Вилкоксон белгиланган тартибли тестдан фойдаланилди.

Дастлаб, опционнинг асосдаги акция нархига таъсири ўрганилди. Анормал ва ялпи анормал миқдорларнинг t-test

натижаларга кўра, опцион савдога чиқарилган кундан 9, 8 ва 3 кун олдин сезиларли мусбат миқдорлар ва 2 кун кейин сезиларли манфий миқдор аниқланди. Sign-test натижаларидан хулоса чиқариш мураккаб бўлганлиги сабабли, натижани янада аниқлаштириш мақсадида Ho and Liu (1997) да қўлланилган усулдан фойдаланилди. Бунинг учун, ҳодиса ойнаси тенг 4 босқич бўлинди ва ҳар бир босқичдаги анормал миқдорларнинг ўртачаси ва медианаси ҳисобланди (1-жадвал) ва солиштирилди.

1-жадвал

Ҳодиса ойнасининг ҳар 10 кундаги анормал миқдорларнинг ўртачаси ва медианаси

Босқичлар	АУМ		ЯАУМ	
	ўртача	медиана	ўртача	медиана
1-босқич (-30; -21)	0.0250	0.0250	0.1175	0.1125
2-босқич (-20; -11)	-0.0150	-0.0250	0.1175	0.0875
3-босқич (-10; -1)	0.0150	-0.0250	0.2275	0.2500
4-босқич (1; 10)	-0.0400	-0.0500	0.0875	0.0625

1-жадвалдаги натижалар ялпи анормал ўртача миқдорлар ўртачаси ва медианасининг 3-босқичда ортганлигини кўрсатмоқда. Бу, ўртача олганда, опционлар савдога чиқарилишидан 10 кун олдинги муддатда улар асосидаги акциялар нархининг ортганлигини билдиради. Шу билан бирга, t-test кўрсатган натижаларга мувофиқ, 4-босқичда ўртача анормал миқдорлар ўртачаси ва медианасининг манфий эканлигини кўриш мумкин. Ушбу ҳолат опционнинг савдога чиқарилиши акциялар нархига салбий таъсир қилганлигини билдиради. Бу натижа қисқа муддатда савдо қилиш тўсиқларининг йўқолиш гипотезасига (Ho and Liu (1997), Danielson and Sorescu (1999)) мувофиқ бўлиб, унга кўра олинган натижаларни қуйидагича тушунтириш мумкин: опцион савдога чиқарилгандан кейин, қисқа муддат ичида акцияларни олиб-сотиш тўсиқлари камаяди. Бу эса, акция ҳақида салбий информацияга эга бўлган пессимистик руҳдаги инвесторларнинг ўз акцияларни тезроқ сотиб юборишига олиб келади. Натижада опционланган акция таклифи ўсади ва бу, ўз навбатида, акция нархининг пасайишига олиб келади.

Кейинги таҳлиллар янада қизиқарли натижаларни кўрсатди. Юқорида олинган натижани янада аниқлаштириш мақсадида, тадқиқот давомида ўрганилаётган муддат (1986-1999 йиллар) опционлар бозорида юз берган 2 муҳим ўзгариш содир бўлган саналарга таянган ҳолда, уч кичик босқичларга бўлиниб ўрганилди. Faff and Hillier (2000) га кўра, 1990 йилнинг 1 феввали ва 1995 йилнинг 30 июни опцион бозори учун муҳим саналар бўлиб, бу муддатларда, мос равишда, 4 та ижро санасига эга бўлган Европача индекс опционни ҳамда Европача FLEX опционлари бозорларга чиқарила бошлаган. Албатта, опцион ва акция орасидаги алоқадорликни ўрганган тадқиқодларда олинган зиддиятли натижаларнинг сабаби айнан шу муҳим ўзгаришлар туфайли бўлиши мумкин.

Юқорида баён этилган усулдан фойдаланиб, уч кичик босқичнинг ҳар бирига алоҳида АУМ ва ЯАУМлар ҳисобланди ва график кўринишида ифодаланди.

Тадқиқот давомида яна қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Бозорда юқори баҳоланадиган компаниялар чиқарган опционлар уларнинг акциялари нархига ижобий таъсир қилади, арзон баҳоланадиган компанияларнинг акциялари эса опцион савдога чиқарилгандан кейин тушиб кетади.

2. Юқори даражада ўзгарувчан дивидендларга эга бўлган акциялар нархи опцион савдога чиқарилгандан кейин ортади, паст ўзгарувчан дивидендли акциялар нархи эса пасаяди.

3. Ўз опционини савдога чиқаришдан анча олдин ўз акциясига эга бўлган компаниялар, яъни бирмунча эски компаниялар акцияларининг бозор нархи опцион чиқарилгандан кейин ортади, ёш компаниялар, яъни қисқа муддат ичида ҳам акция, ҳам опцион чиқарган компаниялар акцияларининг баҳоси эса опцион савдосидан кейин пасаяди.

4. Опционнинг савдога чиқарилиши асосдаги акция нархининг тебранувчанлигини вақтинча кучайтириб юборади, лекин узоқ муддатда бу тебранувчанлик опцион савдога чиқарилишидан олдинги даражасига қайтади.

5. Опционнинг савдога чиқарилиши акциянинг олди-сотди нархлари орасидаги фарқни қисқартириб юборади, лекин бу жуда қисқа давр давом этади (опцион савдога чиқарилганидан кейин тахминан 10 кун давомида).

6. Опционнинг савдога чиқарилиши асосдаги акциянинг савдо ҳажмини вақтинча пасайтириб юборади (ушбу таъсир тахминан 20 кун давом этади).

Ушбу эмпирик тадқиқотда опционнинг ўз асосидаги акция савдо хусусиятларига қай даражада ва қай йўналишда таъсир қилиши ўрганилди. Умуман олганда, олинган натижалар бу борада олиб борилган кўпчилик илмий ишларнинг натижаларини маъқуллаган ҳолда, опционнинг ўз асосидаги акция нархига бўлган таъсири вақтинча эканлигини кўрсатди. Тадқиқотнинг яна бир муҳим ютуғи шунда бўлдики, унда 1995 йилгача савдога чиқарилган опционларнинг ўз асосидаги акциялар нархига салбий таъсир қилганлигини, 1995 йилдан кейинги чиқарилган опционлар эса ижобий таъсир қилганлиги аниқланди. Бу, ўз навбатида, келгусида янги тадқиқотларга асос бўлиши мумкин.



САТТОРОВ ДОНИЁР РАҲМОНҚУЛОВИЧ

*Тошкент Давлат Аграр
Университети
ўсимликшунослик кафедраси
ассистенти*

*Бонн университети (Германия)
Қишлоқ хўжалиги
Магистр (2003)*

НАВЛАР, N-ЎФИТИ ВА КУН УЗУНЛИГИНИНГ КУЗГИ БУҒДОЙ УНИБ ЧИҚИШИ, РИВОЖЛАНИШИ ВА ФИЛЛОКРОНГА ТАЪСИРИ

Ilmiy ishning dolzarbligi:

Qishloq xo'jaligi respublikamizning eng muhim sohalaridan biridir. O'zbekistonda istiqomat qiluvch 40 % aholi qishloq xo'jaligi bilan shug'ullanadi. Hozirgi vaqtda yil davomida aholini oziq-ovqat mahsuloti bilan ta'minlashda har yili davlatimizda 6,5 – 7,0 mln. tonna don etishtirish lozim. Ertangi porloq kelajagimiz, dasturxonlarimiz fayzli, barakali bo'lishi, keng ma'noda aytganda: mustaqil O'zbekistonimizning yanada ravnaq topishi donu nonimizning, jamiki moddiy boyliklarimizning mo'l-ko'lligiga bog'liq deb bilamiz. Zotan, hurmatli yurtboshimiz Islom Karimov O'zbekiston Respublikasi Oliy Kengashi XVI sessiyasida so'zlagan nutqida shunday degandi: O'zbekiston uchun, xalqimiz uchun, iqtisodiy mustaqilligimizga erishish uchun g'allaga bo'lgan ehtiyojimizni o'z kuchimiz bilan qondirishimizning ahamiyati haqida ortiqcha gapirishimizning hojati yo'q“.

Ilmiy ishning maqsadi:

Don etishtirish muammosini hal qilishda mo'l hosil beradigan, donini sifati yuqori, hamda iqtisodiy samarador bo'lgan yangi navlar tanlab olish ham muhim omillardan biri hisoblanadi. O'zbekistonga xorijiy davlatlardan ham yangi navlar kirib kelmoqda va ularning afzalliklari va samaradorligi mahalliy navlar bilan taqqoslanmoqda. Ko'zda tutilgan maqsad bu O'zbekiston sharoitiga mos keladigan yuqori hosilli navlarni tanlab olish va ishlab chiqarishga tavsiya qilishdir.

Ilmiy ishning vazifalari:

Bu ishning vazifalari quyidagilar edi:

- Donli ekinlarning rivojlanish qonuniyatlarini o'rganish va texnologik tadbirlar rejalashtirilganda ularga asoslanish
- Tuproq va iqlim sharoitig moslashgan navlarini tanlash
- Navlarning kelib chiqish markazlari bilan biologik xususiyatlarining bog'lanishini chuqur o'zlashtirish
- Donli ekinlarni etishtirish texnologiyasini to'la o'zlashtirish, bajara olish va boshqarishni o'rganish

Germaniya Federativ Respublikasi, Fridrix Wilhelm nomidagi Bonn Universiteti, Qishloq xo'jaligi Fakulteti, "*Tropik va Subtropik mintaqalarda qishloq xo'jaligi*" Magistratura bo'limida Magistr darajasini olish uchun mazkur Universitetning O'simlikshunoslik kafedrasiga qarashli "**Poppelsdorf**" tajriba xo'jaligida olib borilgan dala tajribasida kuzgi bug'doyning «*Triticum var. aestivum*» ikki navida o'simlikga ta'sir qilingan yorug'lik, o'g'itlashda va ishlov berish natijasida barg o'sish tezligi, barglar soni, o'simlikning rivojlanishi va hosildorligi o'rganildi. O'simliklarning unib chiqishidan oldin va unib chiqqandan keyingi rivojlanish fazasida 26 kun turli xildagi 6, 8, 10, 12 va 14 soat yorug'lik, va rivojlanishi davomida ikki xil miqdordagi (30 kg N/ha va 0 kg N/ha) o'g'it berildi.

Fyllokron —bu bir poyadagi barglarning hosil bo'lishi va rivojlanishidagi vaqt oralig'i.

Tajriba 30 metr uzunlik va 12 metr kenglikdagi maydonga 2 takrorlanishda qo'yildi. Har bir takrorlanishda chetki qatorlari bo'sh qoldirildi, o'rtadagi qatorlarga qishki bug'doyning «**Kontrast**» va «**Aspirant**» navlari ekildi.

«Kontrast» navi yumshoq kuzgi bug'doy navi bo'lib, Germaniyadagi «*Saatzucht Hadmersleben*» firmasida yaratilgan va 1990 yildan ekishga tavsiya etilgan.

«Aspirant» navi ham yumshoq kuzgi bug'doy navi bo'lib, Germaniyadagi «*Streng's Erben GmbH*» kompaniyasida yaratilgan va 1999 yildan buyon ekishga tavsiya etilgan.

Har ikkala nav shunday tanlandiki, ya'ni ular rivojlanishida bir-biridan farq qiladi, hamda ular kun uzunligiga turlicha reatsiyada bo'ladi. Bu dala tajribasida shu Gipotezaning to'g'ri yoki noto'g'riligini tasdiqlash ham ko'zda tutilib ushbu navlar tanlangan.

Ekishdan oldin er 40 sm chuqurlikda shudgor qilinib, har ikkala navdan har m² ga 330 dona unuvchan urug' qator oralig'i 17 sm da ekildi. Ekishdan oldin erga o'g'it berish tavsiya qilinmadi.

Bug'doy urug'i 25.10.01 da ekildi va ekishdan so'ng 40 dona yorug'lik va suv o'tkazmaydigan yopqichlar yasaldi. 1,5 metr x 1,5 metr kattalikdagi kvadrat yog'och ramkalar ikkita metal simlar bilan burchaklaridan diagonal mahkamlandi. Yoysimon egilgan simlar yog'och ramkalar ustiga yopiladigan qora selofanni mahkamlab turadi va erdan 40 sm balandlikda bo'ldi. O'simliklarga 12 va 14 soat yorug'lik beriladigan variantlar uchun yopqichlarga 50 Volt dagi Lampochka o'rnatildi, hamda barcha yopqichlarga yorug'lik olish soatlari yozilib chiqildi. Ekishdan keyin har bir qatordan 10 ta 1,5 x 1,5 kattalikdagi, ya'ni jami 40 ta jo'yaklarga ajratildi va jo'yaklar orasidan o'simliklarni sanash uchun 0,5 m oraliq qoldirildi. Ushbu 40 ta jo'yaklar turli xil yorug'lik vaqtlariga qarab bo'linib chiqildi, bu bilan yorug'lik berish vaqtlarini farqlarini, hamda tuproq unumdorligini navlarda taqqoslash mumkin.

31.10.2001 dan boshlab jo'yayaklarni ustini yopish boshlandi. Har kuni ertalab soat 07:30 da tajribadagi 40 ta jo'yakni usti ochildi va 6 soatdan so'ng 8 ta jo'yakni usti yopildi, 8 soatdan so'ng 8 soat yorug'lik olgan, 10 soatdan so'ng qolgan 24 ta jo'yakni usti yopqichlar bilan yopib chiqildi. Tajribada 10 soatlik jo'yaklar kontrol jo'yaklar bo'lib tanlandi. 12 va 14 soat yorug'lik olishi shart bo'lgan jo'yaklar maxsus 50 Voltli lampochkalar ulangan yopqichlar bilan yopilib yorug'lik berildi. Bu jarayon 26 kun davom etdi va undan keyin dalada o'simliklar usti ochiq qoldirildi.

Tajriba davomida havo harorati, er ustidagi havo harorati, tuproq harorati, havo namligi, nurlanish darajasi, yog'ingarchilik va bug'lanish darajasi hisob-kitob qilinib borildi va bu parametrlarning o'simlik o'sishi va rivojlanishiga ta'siri kuzatilib borildi.

4.03.2002 kuni tajriba maydonidan 30, 60, 90 sm chuqurlikda tuproq namunalari olindi va laboratoriyada analiz qilindi. 27.03.2003 kuni har ikki navning bir takrorlanishi 30 kg N/ ha o'g'itlandi. Hamda jo'yak oralariga ishlov berildi. O'simliklarga sun'iy sug'orish bilan suv berilmadi, yomg'ir suvi va namlik o'simliklar uchun etarli darajada bo'ldi. Chunki Germaniyada har yili 700 - 800

mm yog'ingarchilik bo'ladi. Bu O'zbekistondagi yog'in-dorchilik miqdoriga (350-400 mm/yil) qaraganda 2 barobar ko'pdir.

8.11.2001 kuni o'simliklar er yuzasiga chiqa boshladi va o'simlik barglari hosil bo'lishi va rivojlanishi Haun-Stage metodi bilan aniqlandi. Bu usulni qo'llash uchun har bir jo'yakdan markazidan 10 tadan jami 40 ta jo'yakdan 400 ta o'simlik tanlab olindi va maxsus xalqachalar, hamda bo'yoq bilan belgilab qo'ildi.

27.11.2001 dan boshlab Haun-Stage metodi bo'yicha 400 ta o'simlikni bargi sanay boshlandi. Haun-Stage metodi bu 1973 yil joriy qilingan bo'lib, uning matematik ko'rinishi quyidagichadir:

$$\text{Haun-Stage} = [L_n / L_{(n-1)}] + (n-1)$$

Burch

L_n = oxirgi bargning uzunligi

$L_{(n-1)}$ = oxirgi bargdan oldin hoisl bo'lgan barg uzunligi

n = poyadagi barcha barglar soni

O'simliklar qish faslini yaxshi o'tkazib, birortasi ham nobud bo'lmay bahorda o'sishini davom ettirdi. Qish fasli va o'simliklar rivojlanishi sekin bo'lgani uchun har oyda bir marta sanaldi va bahorda tez-tez sanaldi. Tajriba davomida jami 26 marta o'simlik bargi sanalib, 30.05.2002 da oxirgi sanash buldi.

Tajriba natijalari tajriba faktorlari bo'lgan "navlar", "o'g'itlash" va "yorug'lik berish vaqi" ga qarab 4 ta asosiy hisoblashlash :

- "Osimlikni bargi rivojlanish darajasi"
- "Fylokron kalendar kunlar bo'yicha"
- "Fylokron havo- va
- tuproq temperaturasi bo'yicha" hisoblandi.

Bundan tashqari tajriba natijalari Statistik **SAS** Programma bilan analiz qilindi. Bunda tajriba faktorlarining bir-biridan farqlanishi tahlil qilinib chiqildi.

Tajriba natijalari shuni ko'rsatdiki, ya'ni yuqorida ko'rsatilgan 4 ta hisoblashlar bo'yicha ham «Kontrast» va «Aspirant» navlari bir-biridan farqlanishini ko'rstadi. «Kontrast» navi «Aspirant» navi ga qaraganda ertapishar nav ekanligini, barglar soni kupligi, barglar hosil bo'lishi uchun kamroq vaqt, kunlar davom etishini va o'simlikning rivojlanishida yuqori ko'rsatkichlarga ega ekanligini ko'rstadi. Jumladan Fylokron kalendar kunlar bo'yicha hisoblaganda «Kontrast» navida April/Mai 2002 da bitta hosil bo'lishi uchun 13 kun kerak «Aspirant» navida esa 16 kun. Bitta barg hosil bo'lishi uchun "Kontrast" navi 100-150 GDI,

“Aspirant” navi esa unga nisbatan ko’proq, ya’ni 110-170 GDD talab qiladi. Ya’ni **GDD** bu «**Growing Degree Days**» kunlik harorat yig’indisi bo’lib kunlik maximum va minimum havo harorati yig’indisidan o’rtacha kunlik havo harorati topiladi, bunda optimal harorat 0 C°, ya’ni 0° C° dan past harorat kuzatilmagan.

Barcha hisoblashlar va statistik tahlil bo’yicha tajribaning boshqa faktorlari bo’lgan turli xildagi yoru’g’lik vaqtlari va o’g’itlash ko’zga ko’rinarli va aytarli darajada bir-biridan farqlanishini ko’rsatmadi.

Tajriba natijalarini xulosa qilib aytadigan bo’lsak:

Tajriba davomida 26 kun mobaynida berilgan turli xil yorug’lik vaqtlari o’simlikning unib chiqishida Fyllokronga va shu bilan birga bug’doy o’simligining rivojlanishiga o’z ta’sirini ko’rsatmadi

• 30 kg N/ha o’simlikda barg hosil bo’lishida o’z ta’sirini juda kam ko’rsatdi, lekin bu statistik jihatdan tasdiqlanmadi va isbotlanmadi

• Ertapishar «Kontrast» navi «Aspirant» naviga nisbatan kam va statistik jihatdan isbotlangan, tasdiqlangan Fyllokronga ega bo’ldi

Ilmiy ishning ilmiy yangiligi:

Bu Magistr ishi bo’yicha olib borilgan ishning ilmiy yangiligini amalda tadbiq qilish uchun, yuqoridagi faktorlar N-O’g’itlash miqdorini oshirish lozim va o’simlikning unib chiqishiga optimal harorat zarur, hamda tajribani maxsus issiqxonalarda va maxsus yoru’g’lik berish lampalanda o’tkazsa ko’sda tutilgan natijalarga erishiladi.

Bu Magistr ishining ilmiy ahamiyati shundan iboratki, ya’ni bug’doy o’simligi vaqtli unib chiqsa va tez jadal sur’atlarda rivojlansa yuqori, sifatli don hosildorligiga, yaxshi natijalarga erishish mumkin.

Xulosa:

Xulosa qilib aytganda, O’zbekistonda ham don mustaqilligiga erishish uchun ertapishar, turli xil kasallilar va sovuqqa chidamli, serhosil, donining sifati yuqori bo’lgan navlarni tanlab ekilsa, bug’doy o’simligiga zarur bo’lgan o’g’itlarni o’z vaqtida, me’yorida va sifatli qilib berilsa, bug’doy o’simligi unib chiqishi va dastlabki rivojlanish bosqichlarida optimal havo va tuproq harorati bo’lsa ko’zda tutilgan natijalarga erishish mumkin. Buning natijasi esa O’zbekistonda dondan tayyorlanadigan non va non mahsulotlari, chorvachilik uchun esa em-xashak mahsulotlari narxlarini arzon bo’ladi, dasturxonimiz to’kin-sochin, xalqimiz qorni to’q va sog’ligi mustahkam bo’ladi.

САТТОРОВ ОЙДИН РАХМОНКУЛОВИЧ

*Тошкент давлат аграр
университети
Агроекология ва ҳаёт фаолияти
хавфсизлиги
кафедраси ассистенти*



*Росток университети (Германия)
Қишлоқ хўжалиги
Магистр (2003)*

ОРГАНИК ЎФИТЛАРНИНГ ЁЗГИ ЎСИМЛИКЛАРДА ФОСФОРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШДА ТАЪСИРИ

1. Dolzarbliги:

Ко'пгина ривожланган davlatlarda, ayniqsa g'arbiy Evropada qishloq xo'jaligida foydalaniladigan yerlarda tuproq tarkibidagi fosfor miqdorining oshishi muammo bo'lib qolmoqda. Ko'p sonli ilmiy tadqiqot va tekshirish ishlari natijasi shuni tasdiqlaydi-ki, Germaniya va boshqa g'arb mamlakatlarida qishloq xo'jaligi yerlari fosfor o'g'iti bilan me'yoridan ortiq o'g'itlangan. Buning oqibatida er osti va ustki suvlari ifloslanmoqda, ko'pgina daryo va ko'llarni turli xil suv o'tlari egallamoqda. Bu esa ichimlik suvining yomonlashuviga, daryo va ko'llar faunasining buzilishiga va unda kislorodning etishmovchiligiga olib keladi.

Bu holatning aksini esa oxirgi o'n yillikda sharqiy Evropa va Osiyoda yerlarning fosfor bilan yomon ta'minlanishi natijasida fosfor miqdorining kamayib ketganligi qayd etilgan.

Shu sababdan bu muammoga bo'lgan qiziqish xalqlararo tus olmoqda. Dunyoning ko'plab tashkilotlari qishloq xo'jaligi yerlarini fosfor bilan me'yoriy ta'minlashni amalga oshirish, shuningdek

dunyo bo'ylab fosfor zahiralardan unumli foydalanishga katta e'tibor berishga chaqiradi.

Fosfatlar kamyob xomashyo turiga kiradi. Dunyodagi fosfat zahiralarning deyarli 90%i o'g'itlash uchun qo'llaniladi. Taxminlarga ko'ra, foydalanish hozirgi holatda davom etsa zahira yana 88 dan 100 yilgacha yetishi mumkin.

2. Maqsadi:

Diplom ishidaushbu mavzusini tanlashdan birinchi maqsad, inson organizmi, o'simlik va hayvonlar uchun muhim bo'lgan elementlardan biri fosfor (P) va uning dolzarb muammolariga bo'lgan qiziqishdir.

Ikkinchi maqsad, qishloq xo'jaligida organik o'g'itlarning mineral o'g'itlarga nisbatan afzallik tomonlarini ko'rsatishga harakat qilish.

Uchunchidan hozirgi kunda rivojlangan davlatlarda hosildorlikni oshirish maqsadida yer zambrug'lari qo'llanilmoqda. Bu borada ham *Penicillium bilaii* nomli yer zambrug'i ustida tajriba o'tkazish. Jumladan O'zbekistonda qishloq xo'jaligining yanada rivojlanishiga va ekologik muammolarni bartaraf qilishga hissa qo'shishga harakat qilish.

3. Vazifalari:

Diplom ishidaasosiy qo'yilgan vazifalar:

1. Organik o'g'itlarning yozgi arpa hosiliga, o'simlik tarkibidagi fosfor miqdori va uning yo'qotilishiga ta'sirini aniqlash
2. Mineral o'g'itlarning yozgi arpa hosiliga, o'simlik tarkibidagi fosfor miqdori va uning yo'qotilishiga ta'siri
3. Er zambrug'i *Penicillium bilaii* ning yozgi arpa hosiliga, o'simlik tarkibidagi fosfor miqdoriga ta'siri
4. Rivojlanayotgan mamlakatlardagi fosfor muammosini o'rganish, sabablarini aniqlash va oldini olish choralari

Ilmiy ahamayiti:

Ushbu diplom ishining birinchi bo'limidaorganik vamineral o'g'itlar to'g'risida adabiyotlardan olingan ma'lumotlar berilgan. Ikkinchi qismida esa chet elda O'zbekiston haqida ma'lumotlarni ko'paytirish maqsadida O'zbekistonga bag'ishlangan. Bu qismda O'zbekiston va uning qishloq xo'jaligi, o'g'itlash tizimi, suv resruslari, iqlimi, tuproq va atrof-muhiti haqida ma'lumot berilgan.

O'zbekistonda tuproqlarning xilma-xilligi, o'g'itlash tizimi va qo'llaniladigan o'g'it turlariga hamda Orol muammosi, ichimlik suvi muammosiga alohida e'tiborga berildi.

4. Tajriba haqida:

Bu tajriba Rostock Universitetining o'simlikshunoslik Instituti tajriba dalasida olib borildi. Tajriba 3 faktorli tekshirishdan iborat bo'lib, 216 ta jo'yakka yozgi arpa ekildi. 1m² ga 310 dona arpa doni ekilgan, nomi "Henni". Ekilgan urug' *Penicillium bilaii* er zamburg'i bilan dorilandi.

Tuproq turi: *Sandlehm-Barunstaugley* va gumus tarkibi 1,72%. Yozgi arpa ekologik kompost va qoramol go'ngi, mineral o'g'itlardan esa Superfosfat va Nitrofoska bilan o'g'itlandi.

Dala tajribasining ko'rinishi:

	1	2	3
Organik o'g'itlar	o'g'tsiz	qoramol o'g'iti	Ekologik kompost
Mineral o'g'itlar	o'g'tsiz	kuzda: Superfosfat	yozda: Nitrofoska
Yer zamburg'i	dorilanmagan	dorilangan	nazorat, dorilanmagan

Ma'lumotlarni aniqroq olish maqsadida bu jarayon 3 marta takrorlangan. O'simlik tarkibidagi fosfor miqdorining Laboratoriyada aniqlangan natijasi:

- Qoramol go'ngi bilan o'g'itlangan jo'yakdagi o'simlikda 415mg P/100g quruq modda (QM) tarkibida
- Biologik Kompost bilan: 426mg P/100g QM
- Mineral o'g'itlar bilan: 408 mg P/100g QM

Hosilda juda katta farq yo'q, nisbatan olinganda organik o'g'it yuqoriroq hosil bergan.

5. Xulosa:

Tajriba natijasidan xulosa qilinsa, mineral o'g'itlarga qaraganda qoramol go'ngi o'rtacha va biologik kompost eng yuqori ko'rsatgich ko'rsatgan. Mineral o'g'itlarni chetdan sotib oladigan, o'g'it narxi qimmat bo'lgan davlatlarda organik o'g'itlardan ko'proq foydalanilsa iqtisodiy va ekologik foyda beradi.

Tajriba natijalari o'simlik va tuproq turiga qarab har xil bo'lishi mumkin. Shu sababdan O'zbekistonda ham tajriba va tekshirishlar olib borilsa, qaysi o'simliklar fosfor, azot, kaliy kabi elementlarni o'ziga yaxshi qabul qilishini aniqlash mumkin. Olingan ma'lumotlarga qarab o'g'itlansa o'simlik yuqori samara beradi.

Qishloq xo'jaligi yerlarida fosfor miqdorining oshishiga quyidagilar sabab bo'lishi mumkin:

Qishloq xo'jaligi hayvonlarining ko'payishi.

- Osiyoda aholining shu tarzda ko'payishi qishloq xo'jaligida nafaqat fosfor balki boshqa o'g'itlarga bo'lgan talabning oshishiga olib keladi.

- Noto'g'ri o'g'itlash

Oldini olish choralari:

- Yerlarga dam berish (qora shudgor)

- Ekinlarni almashlab ekish tuproqda fosforni me'yorlashuviga katta yordam beradi

- O'simliklarni yosh davrida fosfor bilan ta'minlash

- Biologik kompostlarni tayyorlash va qo'llanilishini amalga oshirish

- Ko'proq suvda kuchsiz eriydigan mineral o'g'itlarni qo'llash. Chunki yomg'ir va qor suvlari ta'sirida o'g'it yuvilib yer osti suvlarini ifloslantiradi.

Organik o'g'itlarni O'zbekistonda ko'proq tayyorlash va keng foydalanish hozirda mineral o'g'itlarga nisbatan ko'proq samara beradi. Buning sabablari:

· Organik o'g'itlar qishloq xo'jaligida iqtisodiy jihatdan arzon

· Atrof-muhit va ekologiya uchun zararsiz

· Inson sog'lig'i uchun zararsiz

Hozirda O'zbekistonda yiliga 17 Mio. tonna organik o'g'itlar tayyorlanadi. Bu har gektar yerga 80-90 kg N, 40-45 kg P, 50-60 kg K to'g'ri keladi. O'zbekistonda sug'oriladigan yerlarda qishki bug'doydan 5 tonna hosil olish uchun 150 kg P/ga, yozgi bug'doy uchun esa 90-100 kg bo'lishi zarur. Demak, iqtisodiy va ekologik jihatlarini hisobga olgan holda respublikamizda organik o'g'itlarga bo'lgan talab juda katta deyishimiz mumkin. Yaqinda ochilgan Qizilqum fosfor kombinati O'zbekistonda fosfor muammolarini echishda katta ahamiyatga ega.

Amerikada *Penicillium bilaii* er zambrug'i qo'llanilganida bug'doy, raps o'simliklaridan yuqori hosil va fosforni qabul qilishi ko'payganligi kuzatilgan. Bu zambrug' *Rostock* da o'tkazilgan tajribada, yaxshi natija bermadi, yani sarflangan xarajatlarni qoplamadi. Bu olingan natija yerning tarkibi, iqlim sharoiti va o'simlik turiga bog'liq deb taxmin qilindi.

СОЛИЕВ ИҚБОЛЖОН ОРИФЖОНОВИЧ

«Жаҳон» ахборот агентлиги

Колорадо университети (АҚШ)

Журналистика

Бакалавр (2000)



ИНТЕРНЕТ ВА УНИНГ КУНДАЛИК ҲАЁТИМИЗГА ТАЪСИРИ

Ҳар бир жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётида оммавий ахборот воситаларининг роли ва аҳамияти унинг қанчалик оммабоплиги, эркин фаолият кўрсата олиши ҳамда воқеа-ҳодисаларни қай даражада холис ёрита билиши билан белгиланади. Шу маънода, хоҳ радио хоҳ телевидение ёки матбуот нашрлари бўлсин, барчаси жамиятда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларни, хусусан, ижтимоий ва сиёсий жараёнларни ақс эттирувчи ойна вазифасини ўтайди.

Бугун биз билган оммавий ахборот воситалари – радио, телевидение, газета ва журналлар турли вақтларда инсон томонидан кашф қилинди ҳамда маълум бир мақсадда жамият учун хизмат қилди ва ҳамон хизмат қилиб келмоқда.

Ҳаётимизга янгидан кириб келган Интернет глобал компьютер тармоғи ОАВ ҳақидаги тасаввуримизни янада бойитди десак асло муболаға бўлмайди. Бундан ташқари, айни пайтда деярли ҳар бир хонадонга кириб улгурган радио, телевидение, газета ва журналлар қаторига Интернет тармоғи ҳам ОАВнинг бир тури сифатида қўшилди.

Демак, бугунги кунда Интернет глобал тармоғининг ҳаётимиздаги роли ва аҳамияти қанчалик муҳим? Нима учун мазкур тармоқ глобал мақомга эга бўлди? Интернетнинг оммавий ахборот воситалари сифатида омма орасида жадал суръатлар билан ривож топишининг боиси нимада?

Тарих зарварақларидан ўрин олиб улгурган XIX-XX асрлар инсоният амалга оширган турли ихтиролар борасида чинакам бурилиш палласи бўлди. Чунончи, инсон ўз ҳаёт тарзи тобора ривожланиб бораётган бир пайтда ўзига қулайликлар яратиш, ҳаёт тарзини енгиллаштириш ҳамда ахборот алмашуви жараёнини тараққий топтириш соҳасида талай натижаларга эришди. Шу аснода, компьютер ва кейинчалик Интернет глобал тармоғининг дунё юзини кўриши ахборот технологиялари ривожланишида ҳамда мазкур тармоқнинг ОАВ қаторидан жой олиши давлат ва жамият ҳаётида муҳим аҳамият касб этди.

Айни пайтда, Интернет тармоғи ҳақида, яъни унинг келиб чиқиши, ривож ва кундалик ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамияти ҳақида нималар биламиз? Авваламбор, таъкидлаш жоизки, Интернет компьютер тармоғининг яратилиши бўйича илмий тадқиқотлар ўтган асрнинг 60-йилларида олиб борилди. Бироқ бу борада соҳа мутахассисларининг фикр ва ёндашувлари турлича. Шундай бўлсада, совуқ уруш деб аталмиш дунёда икки қудратли тузум – АҚШ ва собиқ Совет Иттифоқининг, хусусан, демократия ва тоталитаризмнинг ўзаро қарама-қаршилиги авжига чиққан бир паллада АҚШ ахборот технологиялари бўйича мутахассислари ҳукумат махсус топшириғига биноан мазкур тизим устида иш олиб бордилар.

Лос-Анжелес шаҳридаги Калифорния университетидан Интернет глобал тизимининг асосчиларидан бири Леонард Клайнрок бошчилигидаги тадқиқот ишлари маҳфий тарзда олиб борилди. Мазкур тадқиқот ишларининг раҳнамози бўлмиш АҚШ Илм-фан жамғармаси (US National Science Foundation (NSF)) ўша пайтда мамлакат бўйлаб бешта йирик компьютер марказларини ташкил этди. Сўнгра, мазкур марказлар ягона тизимга NSFNET номи остида бирлаштирилди. Бундан кўзланган мақсад ўша пайтдаги АҚШ ҳукуматининг мамлакатда ахборот технологияларини янада ривожлантириш ҳамда бу соҳада орқада қолиб кетаётган мафкуравий душман, яъни собиқ Совет Иттифоқини янада заифлаштириш ва инқирозга учратиш эди.

Тармоқ ҳарбий мақсадларда қўлланиш режаси билан тузилган бўлиб, илк бор Арпанет (ARPANET), кейинчалик Милнет (MILNET), ўтган асрнинг 80-чи йиллари ўрта-

ларига келиб эса, Интернет (INTERNET) номи билан юритила бошланди. Шу аснода, тармоқ турли вақтларда Арпанет, Милнет ва Интернет каби номланиши тизимни ишлаб чиқишда масъул бўлган ташкилотнинг номи ёки у қандай мақсадларда қўлланишининг эътиборга олинishi сабабчи бўлган. Масалан, Арпанет номи юқорида тилга олинган АҚШ Илм-фан жамғармаси билан биргаликда ушбу тизим яратилишида иштирок этган ташкилот, яъни Илгор лойиҳалар бўйича тадқиқотлар маркази (Advanced Research Project Agency) номининг қисқартма шаклидир. NET бирикмаси эса инглиз тилида “тармоқ” маъносини англатади.

Давр синовларидан муваффақиятли ўтган мазкур компьютер тизими асосий ҳарбий мақсадда қўлланиш нуқтаи назаридан вақт ўтгани сари ҳамда жаҳон геосиёсий харитасида юз берган оламшумул ўзгаришлар, хусусан, собиқ Совет давлатининг парчаланиши натижасида ўз аҳамиятини йўқотди. Ўз навбатида эса тизимнинг кенг омма томонидан қўлланиши имконияти туғилди. Шундай қилиб, қатор илмий тадқиқотлар натижасида вужудга келган, вақт синовидан ўтган тармоқ бугунги кунда биз билган Интернет номи билан юритилмоқда. Тармоқнинг яратилиш ватани АҚШ бўлишига қарамасдан, айти пайтда мазкур тизимга Ер шарининг барча нуқталаридан нафақат компьютер, балки уяли телефон ва ҳатто, махсус телевизор аппаратлари орқали уланиш мумкин. Интернет тармоғининг “глобал” мақомга эга бўлишининг сабаби айнан шундадир.

Интернетнинг кундалик ҳаётимизга кириб келиши улкан имкониятлар ҳамда қатор қулайликлар яратди. Таъкидлаш жоиз, глобал тармоқ ОАВ бир тури сифатида нафақат республика-мизда, балки бутун дунёда рўй бераётган воқеа-ҳодисалардан воқиф қилувчи кучли ахборот манбааларидан биридир.

Ҳозирда, Интернет чинакам глобал мақомга эга бўлди. АҚШдаги “ZD Market Intelligence” ижтимоий фикрни ўрганувчи маркази 90-чи йиллар охирларида омма орасида ўтказган сўроқлар натижасига кўра, АҚШнинг ўзида 2000 йилга келиб Интернет тармоғига уланган компьютерлар умумий 35–40 фоизга ошган. Бу эса мамлакатдаги 60 фоиздан зиёд персонал компьютерлар Интернет тармоғига уланганлидан далолат беради. Соҳа мутахассисларининг билдири-

шича, масалан, АҚШда 1990 йилнинг ўзидаёқ 100000 ортиқ компьютер Интернет тармоғига уланган эди, 1993 йилга келиб эса ушбу рақам ўн баробарга ортган. Демак, тармоқ хизматидан фойдаланувчилар сони (АҚШ мисолида) йилдан-йилга ортаётганини гувоҳи бўлмоқдамиз.

Интернет тармоғи бугунги кунда бутун дунда нафақат ОАВ тури сифатида, балки олий ва ўрта махсус ўқув юртлари дастурларини яратишда, банк, телекоммуникация, савдо-сотиқ, соғлиқни сақлаш ва кўплаб бошқа соҳаларда кенг қўлланилмоқда.

Ўзбекистонда ҳам ахборот технологияларини ривожлантириш бўйича мустақиллик йилларида талайгина ишлар амалга оширилди. Соҳани янада ривожлантириш ва жаҳон стандартлари даражасида мутахассисларни тайёрлаш мақсадида ҳукуматнинг қатор қарорлари эълон қилинди, олий ва ўрта махсус ўқув юртларида ахборот технологиялари факултетлари ташкил этилди.

СУВАНКУЛОВ ФАРРУХ ШОДИЯРОВИЧ

*Министерство финансов
Республики Узбекистан*



*Йельский университет (США)
Международная экономика Магистр
(2000)*

ИНОСТРАННЫЙ КАПИТАЛ В КЫРГЫЗСТАНЕ, ТАДЖИКИСТАНЕ И УЗБЕКИСТАНЕ

В данной работе обсуждаются вопросы накопления иностранного капитала в Центральноазиатских странах. Опыт более развитых стран с переходной экономикой показывает, что иностранный капитал играет ключевую роль в покрытии дефицита финансирования, когда внутренние сбережения не покрывают сумму инвестиционных возможностей.

В частности, прямые иностранные инвестиции являются важным фактором экономического развития, так они связаны с прибытием новых технологий, деловых навыков и культуры, а также нового мышления. Для Кыргызстана, Таджикистана и Узбекистана вопрос привлечения иностранного капитала имеет первостепенную важность. Тема данного исследования актуальна и нуждается в тщательном рассмотрении.

Первые годы независимости характеризовались очень тяжелым экономическим положением и развалом финансового сектора Кыргызстана, Таджикистана и в меньшей степени Узбекистана. Прежние советские механизмы накопления и распределения капитала перестали функционировать должным образом, однако новые структуры финансового рынка не были еще созданы. При этом нужно

отметить, что централизованное планирование финансовых ресурсов имело следующие слабые стороны:

- планирование инвестиций осуществлялось в рамках общего национального плана;
- зачастую, проектирование осуществлялось на очень низком техническом уровне;
- не существовало механизмов стимулирования технических инноваций.

В 1992 – 1994 гг. во многих отраслях экономики Кыргызстана, Таджикистана и Узбекистана состояние основных фондов достигло критической точки, в этой связи основные фонды нуждались в замене и укреплении. Особенно это относилось к экспортоориентированным отраслям экономики.

Однако предложение внутренних финансовых ресурсов для инвестирования было ограниченным. Основными проблемами накопления сбережений явились:

- стремительное снижение уровня доходов населения и соответствующее снижение сбережений;
- финансовые системы как и во всех странах с переходной экономикой были слабо развиты и в этой связи не обеспечивали возможностью консолидации накоплений
- уровень инфляции был очень высок.

Инвестиции также включают централизованные инвестиции плюс чистое кредитование. Государственные сбережения были рассчитаны как разница между доходами и текущими расходами.

В отсутствие развитой финансовой системы и непривлекательном инвестиционном климате в странах КТУ (Киргизстан, Таджикистан и Узбекистан), многосторонние и двусторонние кредиты с низкими процентами составляли значительную часть потоков иностранного капитала. Кредиты предоставлялись Всемирным банком, Европейским банком реконструкции и развития, Азиатским банком развития, Японией, Германией, Турцией и США.

Однако, в Таджикистане существенная доля кумулятивного официального финансирования была получена из России и Узбекистана, в основном, в виде торговых кредитов. Иностранное заимствование, осуществляемые непосредственно самим государством или через коммерческие банки и отраслевые министерства под государствен-

ные гарантии, также были значительны. Учитывая ограниченную способность немедленного генерирования валютных поступлений, такие займы стало трудно погашать.

Остаток на счете движения капиталов в Киргизстане постепенно повышался и достиг своего пика в 1996 году, насчитывая 347 миллионов долларов США. В 1997 и 1998 г.г. избыток на счете движения капиталов сократился, в основном, из-за возврата полученных ранее займов. Положительный остаток на счете движения капиталов в Таджикистане, в основном, формировался в виде займов Всемирного банка и краткосрочных торговых кредитов. Счет движения капиталов увеличился в 1996 и 1998 г. достигнув 104 и 115 млн. долларов США. Счет движения капиталов Узбекистана характеризуется низким уровнем прямых иностранных инвестиций и высоким непостоянством.

В отличие от богатых на нефть и золото соседних стран (Казахстан, Туркменистан и Азербайджан) страны КТУ не могут привлекать высокий уровень прямых иностранных инвестиций. КТУ фокусируют свои усилия по привлечению прямых иностранных инвестиций на частичных улучшениях своего инвестиционного законодательства, которое определяет продолжительные периоды освобождения от налогов и возвращение инвестиций и прибыли без каких-либо ограничений.

ми, и к концу 1990 года был достигнут значительный успех в этой области в основном за счет внедрения НДС вместо существующего в то время налога с оборота. Пример Индонезии был выбран для исследования, в связи с тем, что он являлся одним из успешных в части реформирования налоговой политики в развивающихся странах.

Данная аналитическая работа основана на данных, полученных из книг, отчетов, статей Всемирного банка и Международного Валютного Фонда и других источников информации. Проведенный анализ сконцентрирован на осуществлении налоговой реформы в период с 1985 года по 1990 год. Это вызвано тем, что большая часть доступной информации ограничена этим отрезком времени.

Необходимо отметить, что некоторая информация по фискальной политике Индонезии до сих пор не является «общественным продуктом» и не публикуется в регулярных информационных изданиях. В связи с этим, данная аналитическая работа в основном, но не исключительно, является свойственной и дедуктивной.

В 1980 году правительство Индонезии осуществило ряд важных экономических реформ, как часть программы структурных преобразований, предназначенных для усиления макроэкономической стабильности и международной конкурентоспособности экономики страны. Основными целями налоговых реформ в 1983 году были: 1) увеличение размера доходов, получаемых от взимания налогов, не связанных с нефтепродуктами; 2) рационализация налогового законодательства и улучшение административной эффективности; 3) снижение искажений, вызванных налогообложением при распределении ресурсов; и 4) недопущение ухудшения жизни бедных слоев населения в результате осуществляемых реформ.

До начала 80-х годов, Индонезия в основном зависела от доходов, получаемых за счет налогов на нефть и сжиженный природный газ (СПГ), которые помогали стране избегать появления огромного дефицита на балансе бюджета. Одним из важных факторов, связанных с этим, являлось то, что в 1973 году ОПЕК поднял цены на нефть.

В связи с этим, сумма налоговых поступлений, связанных с нефтепродуктами (это в основном налоги на корпорацию, взимаемые с нефтяных компаний) в 1983-1984 го-

дах составила более половины от общей суммы всех поступлений (52%). В отличие от этого, сумма полученных доходов от налогов, не связанных с нефтепродуктами, составила 26,8%. Это говорило о том, что система косвенных налогов была построена и функционировала не эффективно.

Увеличение пропорции поступлений в бюджет в период с 1973 года по 1984 год в виде международного содействия, местных и иностранных займов указывало на то, что местные доходы страны не производили достаточного объема денежных средств для покрытия государственных расходов.

Кроме этого, глобальное снижение цен на нефть на мировых рынках в начале 80-х окончательно заставило правительство Индонезии серьезно пересмотреть фискальную политику своей страны. В связи с этим, основной целью реформирования в 1980 году было усиление взимания налогов, не связанных с нефтепродуктами.

Ранее существующий налог с оборота имел две основные причины, из-за которых он был заменен на налог на добавленную стоимость (НДС). Во-первых, он имел множество налоговых ставок, установленных на различные виды товаров, которые создавали большое количество замешательств, неопределенности и административных сложностей, вызвавшие неадекватное соблюдение системы налогообложения (налог на оборот) и уклонение налогоплательщиков от уплаты налогов. Во-вторых, наличие большого количества налоговых льгот.

По мнению Доктора экономических наук Гарвардского университета М.Джиллиса (1989г.), предреформная система налогообложения не приносила существенной прибыли и являлась источником значительного экономического убытка страны.

Тщательно проанализировав существующие слабости и недостатки в налоговой системе, в декабре 1983 года Парламент Индонезии утвердил три законодательных акта: «Общие положения и методики налогообложения» (Закон №6, от 1983г.), «Закон о подоходном налоге» (Закон №7, от 1983г.) и «Обложение Налогом на добавленную стоимость товаров и услуг и Налог с оборота на предметы роскоши» (Закон №8, от 1983г.).

«Пакет НДС» был внедрен с 1 апреля 1985 года. Первоначальный пакет НДС включал в себя:

- налог на добавленную стоимость, с установленной ставкой равной 10%, облагался на местные производственные товары, импортируемые товары, услуги подрядчиков;
- нулевые ставки для экспорта;
- дополнительный налог со ставками в 10% и 20% на определенные товары роскоши.

До внедрения НДС и налога с оборота на предметы роскоши («пакет НДС») нефтепродукты не облагались акцизными сборами и налогом с оборота. Алкогольные напитки и табачные изделия облагались только акцизными сборами, но не облагались налогом с оборота. В отличие от предыдущей системы налогообложения нефтепродуктов, действовавший «пакет НДС» предусматривал налогообложение нефтепродуктов налогом на добавленную стоимость, а алкогольные напитки и табачные изделия – НДС и налогом с оборота на предметы роскоши. Также, специальный акцизный налог (7,7%) был установлен на табачные изделия.

Необходимо отметить, что уже в 1988 году показатели получаемых доходов от НДС были весьма впечатляемыми по сравнению с рядом азиатских стран (например, Малайзия, Филиппины, Таиланд). Однако, показатели доходов акцизных сборов по сравнению с этими азиатскими странами были довольно низкими. Это было вызвано тем, что акцизные сборы не взимались с нефтепродуктов, хотя во многих других странах они формировали значительную долю доходов всех акцизных сборов.

В целях облегчения системы администрирования и содействия малому и среднему бизнесу, предприятия/фирмы с годовым торговым оборотом не превышающим 60 млн. индонезийских рупий (30 % для фирм, занимающихся предоставлением услуг) освобождены от уплаты НДС на производимую продукцию, однако не имеют право востребовать выплаты оплаченной добавленной стоимости за приобретенные сырьевые материалы.

Для обеспечения надлежащего соблюдения оплаты НДС правительством было принято ряд административных мер. В частности, всем налогооблагаемым субъектам предпринимательства были присвоены идентификационные номера, вносимые в компьютерную базу данных для осуществления регулярной проверки заполнения ими налоговых

деклараций. В целях недопущения фактов уклонения от уплаты налогов со стороны налогоплательщиков были установлены меры наказаний вплоть до тюремного заключения. Подобные меры наказания также были установлены для сотрудников налоговых органов, которые могли попытаться злоупотребить своими полномочиями.

Необходимо отметить, что правительством проводилась обширная работа по освещению целей, задач и правил начисления и выплат НДС путем организации общественных семинаров, конференций, встреч, а также распространения «легко читаемой» литературы.

Внедрение НДС являлось довольно верным методом продвижения экспорта и инвестиций, и одновременно достижения более предсказуемого распределения налогового бремени. Основной целью налоговой реформы в Индонезии было упрощение структуры налоговых законов и правил.

С внедрением новой налоговой системы, налогооблагаемая база расширилась и налоговые поступления в бюджет значительно увеличились.

Таким образом, проведенный анализ показал, что НДС сыграл важную роль в увеличении налоговых доходов, не связанных с нефтепродуктами, и доходы, полученные от этого источника, были впечатляющими.

ХОДЖАМБЕРДИЕВ БИЛОЛ АХМАДЖАНОВИЧ

*Асака банк
департамент казначейства
специалист 2 категории*

*Университет Техаса в Арлингтоне
(США)
Финансы Магистр (2002)*



РОЛЬ МВФ ВО ВРЕМЯ АЗИАТСКОГО КРИЗИСА В ИНДОНЕЗИИ И ТАЙЛАНДЕ

Со времен азиатского кризиса в 1997 г., существование и действующие программы Международного Валютного Фонда (МВФ) подвергаются жесточайшей критике. Многие эксперты обвиняют руководство Фонда в неспособности предвидеть надвигавшийся кризис и следовательно принять превентивные меры. Другие критикуют эффективность программ МВФ, утверждая, что программы не в лучшей форме вмешиваются в экономические программы других стран. Целью данной работы является изучение причин возникновения кризиса и оценка роли МВФ, как гаранта стабильности валютных рынков.

Какие же основные причины возникновения Азиатского валютного и финансового кризиса 1997-1998 годов? Две основные гипотезы были выдвинуты сразу же после возникновения кризиса. Согласно первой гипотезы, кризис это реакция на структурно-экономические искажения стран региона. Согласно второй, мгновенное изменение в ожиданиях (expectations) и уверенности (confidence) участников валютного и финансового рынков были основными источниками возникновения финансовой паники, которая далее распространилась весь регион.

Странами, наиболее пострадавшими от кризиса, являются Таиланд, Корея и Индонезия, в то время как Филиппины, Сингапур, Таиланд и Тайвань пострадали в меньшей мере.

На макроэкономическом уровне, завышенные валютные курсы, привязанные к укрепляющемуся доллару США, привели к ухудшению состояния валютного баланса по текущим операциям и снижению вливания долгосрочного капитала, что повлекло к зависимости от краткосрочных займов и снижению валютных резервов. Последовавшая девальвация валютных курсов привлекла валютных спекулянтов, желающих воспользоваться ситуацией.

Регулятивная среда, в которой работали корпоративный и финансовый сектор, а также близкая связь между частными и государственными институтами являются важными элементами в понимании возникновения кризиса в данном регионе. Данные факторы создавали ощущение среди инвесторов, что они защищены от внешних шоков, что добавляло бед недостаточно капитализированной финансовой системе. Необратимые диспропорции стали следствием быстрого процесса либерализации валютного рынка и введения конвертации по счетам капитала, а также дерегуляцией финансовых институтов в 1990 г. годах.

Финансовые институты слабо регулировались, а корпорации имели малую отчетность перед акционерами. В результате корпорации усиленно инвестировали в рискованные проекты, финансируемые займами банков, которые в свою очередь были привлечены из рубежа. Зарубежные инвесторы охотно предоставляли займы, поскольку регион имел хорошие экономические показатели и заемщиками часто выступали государственные банки и корпорации, которые по мнению зарубежных инвесторов имели прямые и косвенные гарантии государства. Поскольку рискованные проекты финансировались за счет краткосрочных капиталов, покрывающих дефицит по текущим операциям, экономики данного региона были подвержены риску мгновенного оттока капитала.

Многие финансовые институты и корпорации заимствовали в иностранных валютах без адекватного хеджирования, что делало их уязвимыми к девальвации валютного курса. Долгосрочные проекты финансировались краткосрочным капиталом, что создавало дополнительный риск

ликвидности. К тому же, на лицо была перегретость цен на фондовом рынке и рынке недвижимости.

Ряд внешних факторов также содействовал возникновению кризиса. Долгосрочная стагнация в Японии и усиление конкуренции со стороны Китая повлекли уменьшение экспорта ряда азиатских стран. Постоянное укрепление доллара США по отношению к японской йене и европейским валютам со второй половины 1995 года, повлекло ухудшению ценой конкурентоспособности стран азиатского региона, чьи валюты были привязаны к доллару США.

Еще до начала кризиса, МВФ и Всемирный банк продвигали идею введения конвертации по капитальным счетам. К тому времени многие азиатские страны уже имели конвертацию по текущим операциям и привязали свою валюту к доллару США. В середине 1990 годов, под напором МВФ, США, Японии и других стран экспортирующих капитал, азиатские страны стали постепенно вводить конвертацию по капитальным счетам. Все это происходило в среде отсутствия строгой отчетности, мониторинга и малой прозрачности. Вследствие этого центральные банки азиатских стран не могли знать об объемах заимствований корпораций, банков и частных лиц.

МВФ оказался не в силах предсказать надвигающийся кризис. Финансовому кризису в Таиланде было как минимум 3 года, прежде чем он получил всемирное внимание после провала тайландского бата 2 июля 1997 года. Хотя еще полгода назад МВФ хвалил правительство Таиланда за макроэкономические успехи и быструю либерализацию.

Правительства азиатских стран попросили МВФ об оказании помощи, когда было уже поздно. Тайландский бат был под атакой инвесторов и спекулянтов в течение 4-5 месяцев. Власти Индонезии обратились к помощи МВФ, когда страна испытывала резкое сокращение резервов, крах финансовой системы и бегство капитала. После прошения о помощи, МВФ был медленен в оказании помощи. Столкнувшись с быстро развивающимся кризисом, МВФ в место быстрых и конкретных действий взялся за структурное и институциональное реформирование. Хотя реформы были необходимы в долгосрочной перспективе, в данной ситуации, необходимо было поддержать ликвидность и восстановить до-

верие инвесторов. Поскольку подписываемое соглашение было чрезмерно перегруженным и составляло более 50-80 пунктов охватывающих практически все сферы экономики, понадобилось больше месяца для подписания соглашения.

МВФ не только не смог предсказать кризис, но и даже не разобрался в различиях причин возникновения азиатского кризиса и кризисов прошлых лет. Кризисы, происходившие ранее в Латинской Америке и Африке, были вызваны чрезмерным государственным расходами. Хроническая нехватка денег велик использованию печатного станка, и как результат к росту инфляции, дисбалансу торгового баланса и утечке капитала. Стандартными требованиями МВФ в такой ситуации были снижение государственных расходов, увеличение налогов, повышение процентных ставок, девальвация валютного курса (для поощрения экспорта и снижения импорта), реформирование банковского сектора. Однако азиатский кризис отличался тем, что дефицита государственного бюджета не наблюдалось, инфляция была в норме, процентные ставки были положительными, уровень сбережений был высок, баланс по торговым операциям был положителен. Требования МВФ по сокращению бюджетных расходов и повышению процентных ставок отрицательно сказались на экономической ситуации, поскольку кризис был вызван чрезмерным заимствованиями частного сектора, а не государственным. Сокращение государственных расходов только усилило депрессию. Поздно осознав истинные причины кризиса, МВФ поменял рестриктивную политику на экспансионую. Процентные ставки были снижены и увеличены государственные расходы.

Еще до кризиса, требование МВФ о полной конвертации по счетам капитала в странах с нетранспарентной финансовой системой было преждевременно. МВФ не смог предвидеть надвигающийся кризис. С началом эскалации кризиса МВФ не понял истинных причин возникновения кризиса. Международным Валютным Фондом была предложена стандартная программа, ранее предложенная странам Латинской Америки. В результате валютные курсы продолжали падать даже после того как МВФ пришел на помощь, указывая на то, что МВФ лечил симптомы, а не болезнь. Требования по повышению процентных ставок и снижению государственных расходов усилили контракционные

тенденции в экономиках. Программа реформирования была чрезмерно амбициозной и долгосрочной. МВФ подошел к проблемам ликвидности и структурных реформ единым пакетом, с выплатами привязанными к прогрессу реформ, хотя структурно- институциональные реформы и проблемы ликвидности требуют различных временных рамок.



ХАЛМУХАМЕДОВ ДОНИЁР МУХАМАДОВИЧ

*Иқтисодиёт Вазирлигининг ёқилғи
энергетика комплексини
ривожлантириш бўлими бошлигининг
ўринбосари*

*Саусхэмpton университети (Буюк Британия)
Бухгалтерия ва молия
Магистр (2000)*

БОЗОР ИҚТИСОДИГА ЎТАЁТГАН ДАВЛАТЛАРДА АУДИТНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ВА УНИНГ ДОЛЗАРБЛИГИ: ЎЗБЕКИСТОН МИСОЛИ

Собиқ Совет иттифоқи давлатлари ўз мустақиллигига эришгач, марказлаштирилган иқтисодиётдан бозор муносабатларига асосланган-бозор иқтисодиётига ўтиш даврини бошдан кечирмоқдалар. Ўтиш даврида мустақил аудит хизматларининг янги, асосий, қонуний-ҳуқуқий асослари яратилади. Мамалакатда бу соҳадаги ҳуқуқий асоснинг яратилиши иқтисодий ўзгаришлар билан бир маромда амалга оширилди. Деярли ўн йил мобайнида иқтисодиётда ва аудит соҳасида улкан ўзгаришлар амалга оширилди. Мустақил собиқ Совет иттифоқи мамлакатлари ўзлари танлаган йўллари билан ўз иқтисодиётларини бозор муносабатларига ўтказиш бошладилар. Натижада ривожланишда бу мамлакатларда турли натижаларга эга бўлинди. Жумладан, аудит соҳасидаги ўзгаришлар турлича амалга оширилди. Айниқса бошқа бозор муносабатларига ўтаётган мамлакатларга қиёслаганда Ўзбекистон бу соҳада анча салмоқли ўзгаришлар ва ривожланишга эга бўлган мамлакат сифатида тан олинмоқда. Бироқ,

ҳозирги вақтгача бу соҳадаги илмий ишлар жуда оз. Бу соҳада тегишли кўп ўрганишлар мақола каби мавжуд. Бу «ёш», индигина бозор муносабатларини ўрнатаётган давлатларнинг иқтисодиётда амалга ошираётган ўзгаришлари муҳим изланишлар амалга оширилишини талаб қилади. Бунга сабаб, бу жараёнда жуда кўп ечими топилиши лозим бўлган саволлар ўрганилиши зарур. Бу каби саволларга жавоб топиш «ёш» давлатлар учун жуда муҳим. Мазкур диссертацияда юқорида қайд этилган саволлар Ўзбекистон мисолида ўрганилган.

Изланиш саволи.

Бу изланишни ижтимоий фанлардаги изланишларнинг «тарихий изланишлар» туркумига киритиш мумкин. Бошқача қилиб айтганда, бу изланиш Ўзбекистонда аудитнинг тарихий ривожланиши ҳақидадир. Бироқ, бу изланиш саволларга чуқур тарзда кириб бормаган. Изланиш Ўзбекистонда аудитнинг ривожланишини умумий, кўпроқ умумий ўзгаришларини қамраган. Диссертация, уни яқунлаш учун берилган муддатта мослаштириб олиб борилган. Изланишда қуйидаги саволларни ўрганиб, жавоб топишга ҳаракат қилинган:

1. Амалиётдаги ҳозирги аудит тизимининг марказлаштирилган иқтисодиётдаги аудит (тафтиш) тизими билан фарқи нималардан иборат?

2. Қандай омиллар Ўзбекистонда аудитнинг ривожланишига сабаб бўлган?

3. Аудитнинг янги талабларига янгидан яратилган ҳуқуқий тизим ва ташкилотлар қай даражада мос келади?;

4. Аудиторларни тайёрлаш даражаси бу соҳада ривожланишни таъминлаш учун етарилими?

5. Халқаро аудит компанияларининг аудитнинг ички бозорига таъсири ва улар таклиф қилаётган хизматларнинг моҳияти қандай?

Диссертацияда Ўзбекистонда аудитнинг ривожланишини ёритиб беришда бунга асосий сабаб бўлган иқтисодиётда қўлга киритган иқтисодий ўзгаришларни, жумладан иқтисодиётнинг мулкчилик, молия тизимидаги ислохатларни, барпо этилган қонуний, ҳуқуқий-меъёрий базаларни қисқача ёритиб бериш билан амалга оширилган.

Изланиш методологияси.

Услубий асоснинг изланиш шакли мазкур диссертация учун изоҳлаш (шарҳлаш) намунасига асосланган. Дис-

сертацияда ижтимоӣ ўзгаришнинг кўпроқ сифат кўрсаткичларидан фойдаланилган. Маълумотлар аудит тизими бошқариш, аудит амалиёти, назарияси ва ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлардан иборат.

Назария.

Аудит қонунчилик билан белгиланган мажбуриятларга риоя қилган ҳолда корхонанинг молиявий ҳисоботларини тайинланган аудитор томонидан мустақил текшириш ва ҳулоса беришдир. Мазкур аудитнинг тан олинган тушунчаси, тахминан, 3 асрлик тарихга эга. Аудитга талаб саноатнинг ривожланиши билан биргаликда инвесторларнинг пайдо бўлиши, корхонада менежерлар ва шу корхона эгаларининг пайдо бўлиши натижасида вужудга келган.

Амалиётдаги ҳозирги аудит тизимининг марказлаштирилган иқтисодиётдаги аудит (тафтиш) тизими билан фарқи нималардан иборат?

Марказлаштирилган иқтисодий тизимда бухгалтерлик касбининг бунёдкорлик билан ишламайдиган ва мустақил қарорлар қабул қилмайдиган шакли ташкил этилган. Тафтиш қилиш амалиёти мавжуд чекланишлар, буйруқ ва кўрсатмаларни бажарилишини таъминлашни ташкил қилиш учун қўлланилган. Бундай амалиётда аудитга зарурият бўлмаган. Бу тизимдаги бухгалтерлик тизимида бухгалтериянинг акциялар ва дивидендлар, бошқа қимматли қоғозлар, қўйилган инвестиция капитали хатарини баҳолаш, гудвилл ва бошқа номоддий активлар, бозор нарҳларини ва валюта қийматликларини ўзгариши каби масалалардан йироқ бўлган. Амалиётда молиявий ҳисоботлар оммавийлаштирилмаган. Бу ҳисоботлар фақат бошқарма бошлиқлари томонидан ички ахборотлар каби ва баъзи ҳолларда эса юқори даражада махфий тарзда фойдаланилган. Ҳеч қандай эркин тарзда қимматли қоғозлар бозори орқали капитал ҳаракати, мулкчиликнинг хусусий шаклини ривожлантириш зарурияти, товар ҳам ашё биржалар ва валюта бозорлари мавжуд бўлмаган. **Натижада** корхоналарнинг капитали ва молиявий шароити тўғрисидаги объектив маълумотта қизиқувчи ҳеч қандай потенциал ёки бошқа индивидуал инвестор бўлмаган.

Аудитнинг янги талабларига янгидан яратилган ҳуқуқий тизим ва ташкилотлар қай даражада мос келади?

1992 йилда «Аудит тўғрисида» ги қонун(илк варианты)-нинг қабул қилиниши Ўзбекистон амалиётига янги аудит — фаолиятини татбиқ қилишнинг бирини босқичи бўлиб хизмат қилди. Қонун Ўзбекистонда аудит тизимини ҳақиқий, ривожланган бозор иқтисодиёти шароити даражасига ривожлантиришнинг кучли асоси бўлди.

Аудиторларни тайёрлаш даражаси бу соҳада ривожланишни таъминлаш учун етарилими?

1992 йилда аудит мутахассисларини таёрлаш мақсадида аудиторларни ўқитиш маркази барпо қилинди. Бундан ташқари, аудиторларни тайёрлашда ривожланган мамлакатлардан Британия кенгашининг Know-How дастури АҚШнинг USAID ташкилоти аудиторларни замон талаблари даражасида ўқитишга катта ҳисса қўшишди.

Қандай омиллар Ўзбекистонда аудитни ривожланишига сабаб бўлган?

Бозор иқтисодиётининг акциядорлик компаниялари, қўшма корхоналар, қимматли қоғозлар бозори каби тушунчалари мустақилликнинг биринча амалиётида қўлланила бошланди. Бу тушунчаларни Ўзбекистон амалиётида қўллаш ўз навбатида, аудиторлик фаолиятига талабни ҳосил қилди. 1991 йилдан бошлаб Ўзбекистонда, мулк шакллари тўғрисида, хусусийлаштириш, тижорат банклари, қимматли қоғозлар инфраструктураси, бухгалтерик ва аудиторлик фаолиятлари ҳақида ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди. Бу ҳужжатлар мазкур соҳада мустақкам ҳуқуқий асоснинг пойдевори яратилганидан далолат беради.

Халқаро аудит компанияларининг аудитнинг ички бозорига таъсири ва улар таклиф қилаётган хизматларнинг моҳияти қандай?

Тўрт халқаро аудит компаниялари: Price Waterhouse Coopers, Arthur Andersen, KPMG ва Ernst & Yong. Булар томонидан таклиф қилинадиган хизматларни қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин: аудит ва ички аудит; солиқ ва корхона молияси; халқаро молия хизматлари; корхоналарни ташкил қилиш ва рўйхатдан ўтказиш; менежерлик маслаҳатларини бериш; молиявий ҳисоботларни халқаро бухгалтерлик стандартларига ўгириш; юридик хизматлар.

Бу компаниялар аудит бозорида ўз таклифларига эга бўлишдан ташқари Ўзбекистонда аудит тизимини янада ривожлантиришда ўз хиссаларини қўшишган.

Хулоса ва таклифлар

Ўзбекистонда бозор муносабатларини ривожлантириш жараёнида аудит муносабатларини бозор талабларига жавоб берадиган даражада ривожлантиришга эришилди. Шу билан биргаликда аудиторлик фаолиятида бир қатор камчиликлар ҳам мавжуд. Булар мутахассисларни тайёрлаш, аудиторлик фаолиятининг ҳуқуқий меъёрий базасини такомиллаштириш, аудиторлик фирмаларини Ўзбекистон бўйича географик номутаносиб жойлашганлигида, аудиторлик хулосасини беришда аудиторлик хулосасининг маблағ билан кафолатланишида намоён бўлади.

**ХУДАЙНАЗАРОВ АШУРАЛИ
КУРБОНАЛИЕВИЧ**

*Министерство труда и социальной
защиты*

*Университет Фленсбург (Германия)
Менеджмент и развитие
человеческих ресурсов
Магистр (1999)*



**ДИНАМИКА И СТРУКТУРА ВНЕШНЕЙ
ТОРГОВЛИ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН:
НЕМЕЦКО-УЗБЕКСКАЯ ТОРГОВЛЯ**

С обретением независимости в 1991 году Республика Узбекистан приступила к формированию системы рыночных механизмов хозяйствования. Республикой Узбекистан по инициативе Президента Республики Узбекистан И.А. Каримова была избрана модель поэтапного перехода к рынку. На начальном этапе экономика Узбекистана отличалась следующими стартовыми условиями перехода к рыночной экономике:

- производство преимущественно продукции сырьевой направленности (хлопок, золото, цветные и чёрные металлы, природный газ и т.д.;
- однобокость и недиверсифицированность структуры производства товаров и услуг;
- государственный монополизм в производстве товаров и услуг и необходимость поэтапной приватизации;
- дефицит товаров, разрыв межреспубликанских хозяйственных связей между предприятиями и гиперинфляция, приводящие к макроэкономической нестабильности;
- низкий уровень экономического образа мышления населения.

Вместе с тем, наличие таких сырьевых товаров, как хлопок-волокно, золото, драгоценные металлы, цветные и черные металлы, природный газ, являющихся конкурентоспособными на мировых рынках и имеющих устойчивый спрос со стороны многих развитых стран, обеспечило поступление очень необходимой для государства валюты и обогащение золото-валютных резервов страны, хотя внешняя торговля республики получила сырьевую направленность.

Данный факт во многом обусловил самый низкий спад реального производства в Узбекистане по сравнению со странами СНГ в 1990-1995 годах.

Поскольку в данном исследовании мы пользуемся статистическими данными за 1990-1997 годы и ограничиваемся анализом экономических явлений именно за этот период, то мы можем смело утверждать, что внешнеторговая деятельность Республики Узбекистан имела решающее значение в обеспечении не только низкого спада экономики страны, но и пополнении золотовалютных резервов страны, необходимых для реализации политики импортозамещения и технологического развития экономики.

Вышесказанным, а также малоизученностью исследуемой проблемы, мы подтверждаем особую актуальность изучения динамики и структуры внешней торговли Узбекистана, в том числе выявления факторов, влияющих на динамику внешнеторгового оборота и структуру внешней торговли, моделирования тесно переплетаемых экономических явлений, разработки реальных научно-обоснованных практических предложений для совершенствования внешнеторговой политики и ускорения тем самым экономического роста.

Основной целью данного исследования является качественный анализ динамики и структуры внешней торговли Узбекистана с применением прикладного статистико-математического методологического аппарата с обобщением выводов и рекомендаций для ускорения динамики внешней торговли Республики Узбекистан и диверсификации её структуры.

Многие исследователи изучили проблемы организации внешней торговли Узбекистана (институциональный аспект), вопросы его регулирования (нормативный анализ), обобщили динамику и структуру внешней торговли Узбекистана (описательный анализ). Однако, до сих пор нет

научного труда, представляющего собой анализ динамики и структуры внешней торговли Узбекистана с применением математико-статистического прикладного аппарата с проведением факторного и трендового анализа и построением моделей, описывающих экономические явления, происходящие в сфере внешней торговли и позволяющие с точностью до 95% прогнозировать наступление экономических явлений в краткосрочной и долгосрочной перспективе при заданных исходных параметрах (моделирование экономических процессов в сфере внешней торговли).

В данной работе весь анализируемый период внешней торговли Узбекистана разбивается на три фазы (личный подход автора исследования):

- фаза смены сальдо внешнеторгового оборота от отрицательного к положительному (начало 90-х годов);
- фаза бурного роста внешнеторгового оборота (середины 90-х годов);
- фаза стагнации внешнеторгового оборота (вторая половина 90-х годов).

При этом, выявляются причинно-следственные связи, обусловившие вышеназванные изменения как в динамике внешней торговли, так и в её структуре. Например, выводы о влиянии ограниченности валютных курсов на внешнеторговый оборот, мировых цен на хлопок и золото и т.д. делаются на основе предварительного корреляционно-регрессионного анализа матрицы данных статистических отклика (зависимая переменная) и предиктора (независимая переменная). Уравнения регрессии при этом проверяются на адекватность через использование критериев Стьюдента и Фишера при 95%-ной значимости наступления предполагаемых экономических явлений.

В данной работе автор применяет теорию вероятностных распределений из раздела теории вероятностей, теорию интегрального исчисления из раздела высшей математики, дисперсионный и регрессионный анализ из раздела эконометрики, другие методы описательной статистики из общей теории статистики.

Анализ углубляется вплоть до анализа внешней торговли Узбекистана с Германией, выявляются специфические черты внешней торговли с данной страной.

Данное исследование рассматривается как качественное обобщение динамики и структуры внешней торговли Республики Узбекистан за период 1991-1997 годов с выявлением тенденций экономических процессов, происходящих в сфере внешней торговли во взаимосвязке как с внутренними макроэкономическими факторами, так и внешними, обусловившие данные тенденции.

Адекватность и точность выводов подтверждается количественным анализом гипотез и логических конструкций, осуществлённым с применением самых последних достижений количественной методологии анализа в мировой практике.

Так, ознакомившись с данным исследованием, специалисты и эксперты, работающие в институциональных органах внешней торговли (МВЭС, МИД, международные отделы предприятий, организаций и учреждений), пополнят свои знания по пониманию экономических процессов, происходящих в сфере внешней торговли, смогут, используя модели, предлагаемые в данной работе, принимать адекватные и надёжные решения как в текущей практике, так и в прогнозировании экономических процессов в сфере внешней торговли.

ХУДАНОВ НУРМАТ АЙБУТАЕВИЧ

*Жиззах вилоят монополиядан чиқариш
ва рақобатни ривожлантириш
бошқармаси*



*Рақобат сиесатини юритиш бўлими
бошлиғи*

*Дюкейн университети (АҚШ)
Бизнес бошқаруви Бакалавр (2000)*

ИНТЕРНЕТ ТАРМОҒИ ОРҚАЛИ ҚИММАТБАҲО ҚОҒОЗЛАР БИЛАН САВДО ҚИЛИШНИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ ВА КАМЧИЛИКЛАРИ

Интернетнинг молия оламига таъсири. Интернетнинг ҳозирги кунларда тезлик билан ҳаётнинг барча тармоқларига кириб бориши молия оламини ҳам четда қолдирмади. Интернет тармоғи орқали ҳар қандай маълумотни қисқа фурсат ичида олиш имконияти ундан фойдаланувчиларни биринчи навбатда жалб қилган воситадир. Бундан ўн йиллар илгари молиявий газеталарда чоп этиладиган қимматбаҳо қоғозлар тўқрисидаги ахборотларни газета чоп этилишидан бир кун илгари, яъни бошқа инвесторларга қараганда олдинроқ хабардор бўлиш — бу бир кунда бой бўлиш имконияти эди. Интернет молия оламини мисли кўрилмаган тарзда ўзгартириб юборди. Интернет орқали савдо-сотик ишларини юрғатиш имконияти истеъмолчилар ва сотувчилар, товар ишлаб чиқарувчилар томонидан, компаниялар томонидан кенг фойдаланилмоқда. Интернет брокерлари биринчи марта Интернет орқали ўз савдоларини бошлаганда молиявий бозорни катта тезлик ва осонлик

билан эгаллай бошладиларки, катта брокерлар ўзларининг Интернет орқали савдоларини йўлга қўйишга шошилдилар. Интернет орқали қимматбаҳо қоғозлар савдоси анъанавий савдо тизимининг катта қисмини ташкил қилмоқда. Интернет орқали савдо билан шуғулланувчи инвесторлар учун ҳар қандай пайтда ва ҳар қандай жойдан қимматбаҳо қоғозларни сотиб олиш ва сотиш имконияти пайдо бўлди. Шунингдек, технологиянинг ривожини ва брокер хизмат ҳақларининг арзонлашуви билан савдо қилиш имконияти кенгайди. Ҳозирги кунда Америка Қўшма Штатларидаги оилаларнинг ярмидан кўпроғида ҳар хил акциялар мавжуд. 1999 йил, 16 августда 5,1 миллион инвесторлар 140 та Интернет брокерлик компанияларида ўз савдоларини амалга оширганлар. 12 миллиондан ортиқ аҳоли Интернет орқали қимматбаҳо қоғозлар бозорини таҳлил қилганлар. Бизнес оламининг барча жабҳаларида бўлгани каби Интернет орқали қимматбаҳо қоғозлар бозориде савдо юритишнинг ҳам ижобий ва салбий томонлари мавжуд. Ушбу ўрганишнинг мақсади ҳозирги кундаги Интернет ва технологиянинг инвесторлар учун мавжуд ижобий ва салбий томонларини еритишдан иборат.

Интернет инвестициянинг ижобий томонлари.

Катта ахборотлар базаси: инвестиция қилиш учун зарур бўлган ахборотлар базаси ниҳоятда улкандир ва Интернет молиявий вазият туғрисида зарур ва тезкор маълумотлар топишда ёрдам беради. Интернет тармоғига уланган инвесторда қуйидаги имкониятлар мавжуд:

- Ҳар қандай акция нархини исталган пайтда олиш.
- Нархларнинг маълум бир давр оралиғида ўзгаришини жадвал ҳолатида таҳлил қилиш.
- Молиявий бозордаги вазиятни чуқур таҳлил қилиш.
- Компаниянинг молиявий аҳволини кенг ўрганиш.
- Дунёдаги бошқа интернет инвесторлар билан мулоқот қилиш ва маслаҳатлашиш.

Шунингдек, саналган имкониятлардан тезлик билан фойдаланиш мумкин. Ҳар бир инвестор биржалардаги акция нархларининг ўзгаришини ҳақиқий пайтда, яъни нарх ўзгариши биланоқ олади.

Маблағлар устидан назорат. Интернет брокеридан фойдаланувчилар ўз маблағларига ўзлари ҳўжайиндир. Анъанавий услуб, яъни брокерга қўнғироқ қилиш шарт эмас. Интернет

орқали акция сотиб олиш минутлар, кўпинча секундлар ичида амалга ошади. Бу эса инвесторга ўз маблағлари устидан етарлича назорат қилиш имкониятини беради. Савдолар ортида брокерлар турсада, инвестор уларни деярли сезмайди, барча транзакциялар электрон усулда тезлик билан бажарилади.

Арзон. Интернет орқали савдо қилишнинг яна бир жалб қилувчи томони унинг арзонлигида. Интернет брокерлар харажатларини қисман ўз веб саҳифаларида жойлаштирган рекламалар ҳисобига қоплашлари ҳисобига устамалар арзонроқ. Анъанавий брокерлар савдоларни амалга оширганлари учун юқори ҳақ оладилар. Интернет брокерлар кўп нарсаларни ўзгартирдилар. Интернет инвесторлар ҳар бир савдо учун \$15-\$20 доллар, баъзан ундан ҳам кам ҳақ тўлайдилар. Шунингдек, интернет брокерлар инвесторлар учун катта ахборот базасини бепул берадилар. Анъанавий брокерлар бирор бир қимматбаҳо қоғоз учун берилган эксперт хулосасига ҳам ҳақ оладилар. Интернет орқали қилинган ҳар бир савдо учун \$4-\$8 бошлаб ҳақ тўланади. Масалан, E*Trade компанияси ҳар бир интернет савдоси учун 20 долларгача ҳақ олса, анъанавий савдоси тўлиқ хизмат кўрсатиш билан 180-250 долларни ташкил қилади. Баъзи интернет брокерлари инвесторларни жалб қилиш учун бепул савдоларни ҳам таклиф қилади.

Молиявий бозорларга кириш имконияти. Интернет давридан олдин фақатгина йирик сармоядорлар қимматбаҳо қоғозлар бозорларида савдо қилишлари мумкин эди. Интернетнинг кириб келиши билан бу имконият ҳар бир жисмоний шахс учун ҳам очилди. Ахборот оқими, махсус электрон платформалар, янги электрон биржалар, бирламчи савдоларда қатнашиш имконияти орқали интернет брокерлар индивидуал инвесторга бозорга тўғридан-тўғри киришга шароит яратди. Олдинлари фақатгина маълум бир брокерларга маълум бўлган ахборотларни ҳар бир инсон олиши мумкин бўлиб қолди. Интернет брокерлар инвестор ва бозор ўртасидаги тўсиқларни йўқ қилмоқдалар. Инвесторлар барча қимматбаҳо қоғозлар акциялар, облигациялар, фьючерслар, давлат облигациялари ва бошқалар билан вебсаҳифалар орқали савдо қилмоқдалар.

Интернет инвестициянинг салбий томонлари.

Тармоқ носозликлари. Маълумки, компьютерлар буткул мукамал эмас. Тигиз пайтларда брокерлар баъзан инвесторлар талабларини бажара олмай қоладилар. Барча тар-

моқларнинг бир пайтнинг ўзида хизмат кўрсатиши мумкин бўлган фойдаланувчилари сони чекланган ва бу чекловдан ўтгач тармоқ носозликлари келиб чиқиши мумкин.

Инвестор ёлғиз. Интернет инвестицияда барча бозор таҳлили, акцияларни ўрганиш ишларини инвесторнинг ўзи бажаради. Анъанавий брокер эса инвесторга маслаҳат бериб туриши мумкин. Шунингдек, анъанавий брокер инвесторнинг шахсий тарихи, маблағлари ва мақсадларидан хабардор.

Қиммат. Тез-тез савдо қилиш қимматга тушади. Устамалар арзон кўринсада, мунтазам савдо қилиш кўп маблағ сафрлашга олиб келади. Актив инвесторлар даромад солиғини ҳам кўп тўлайдилар.

Интернетнинг ижобий томонлари билан бирга салбий томонлари ҳам мавжуд. Интернет орқали савдоларни тез ошириш имконияти бир кунда бир нечта савдоларни амалга ошириш имкониятини беради. Инвесторнинг акцияларни ўрганиш ўтказмасдан сотиб олиб уни тезда сотиб юбориши хавфли. Интернет инвесторлари бозорни асосан интернет орқали ўрганганлари сабабли, буни баъзи инвесторлар суистеъмол қиладилар, яъни улар бирор компания акцияларини сотиб олиб, интернет орқали компанияни...г муваффақиятлари тўғрисида ёлғон маълумот тарқата бошлайдилар. Оқибатда акциянинг нархи кўтарила бошлаши билан инвестор уни сотиб юборади.

Хулоса

Электрон савдолар ривожланмоқда. Интернет тармоғи алоқа воситаси сифатида ривожланмоқда. Индивидуал инвестор нуқтаи назаридан Интернет орқали қимматбаҳо қоғозлар савдоси билан шуғулланиш инвесторларга қулайлик, тезлик, бошқарув автономия каби воситаларга эгалик қилишдир. Керакли ахборотни қисқа фурсат ичида топиб ундан қандай фойда олишни билиш лозим. Ахборотни топиш ва ундан фойдалана билиш жараёни интернет инвестициядир.

ХУДОЙҚУЛОВ АЛИШЕР ИМОМОВИЧ

ГАК «Ўзавтойўл»

*Тулуза университети (Франция)
Халқаро алоқалар Магистр (2001)*



ЕВРОПА ИТТИФОҚИ ВА ЎЗБЕКИСТОН: ИККИТОМОНЛАМА ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ

Фарбий Европада 1991 йил, яъни собиқ Совет иттифоқи тарихининг сўнгги саҳифаси ёпилиши биланоқ, янги мустақил давлатлар билан ҳамкорликка эҳтиёж яққол намоён бўла бошлади. Мустақил давлатлар билан ўрнатиладиган шериклақ дастурларига даставвал икки хил ёндашув вужудга келди. Биринчидан, бу муносабатлар замирида ҳар томонлама улкан умидларнинг борлиги бўлса, иккинчи тарафдан айнан шу ҳамкорликка бўлган ишончсизлик ва ноаниқлик ҳиссиёти эди. Чунки янги мустақил давлатларнинг турли соҳалардаги салоҳияти қанчалик кучли бўлмасин, уларнинг эртанги куни ҳали аниқ ва равшан эмас эди.

2000 йилнинг 21 январ куни юқорида айтиб ўтилган ушбу синов даврига чек қўйилди. Европа Иттифоқи Тасис дастури ва шунга ўхшаш ўнлаб дастурлар 2006 йилгача бўлган давр учун янги режалар регламентини қабул қилди. Бу дастурни эса Ўзбекистон билан ҳамкорликка бўлган ишонч белгиси деб қабул қилиш мумкин эди. Европа Иттифоқи ва Ўзбекистон ҳамкорлиги қарийб 12 йилдан буён ўзбек дипломатиясининг долзарб йўналишларидан бири бўлиб қолмоқда. Ушбу илмий ишимиздан асосий мақсад ҳамда унинг устувор вазифалари ёш ўзбек дипломатияси ва мустақил давлатимиз қўяётган илк ва дадил қадамларга илмий нигоҳ ташлаш, улардан жаҳон ва асосан Фарбий Ев-

ропа илмий тадқиқотчилари, барча ижтимоий фанлар вакиллари воқиф қилишдан иборат эди. Илмий янгилик сифатида ушбу таҳлил Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи ўртасидаги кўптомонлама муносабатларнинг илмий тарздаги илк дебочаси деб қабул қилиниши мумкин. Ундан илмий - назарий мавзулардаги баҳс ва мунозараларда, қолаверса, маълумотлар йиғиндиси сифатида бевосита амалий ишда ҳам фойдаланиш мумкин бўлади.

1. Ўзбекистон ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий стратегиясида Европа Иттифоқининг ўрни ва роли.

Европа Иттифоқи ва Ўзбекистон ҳамкорлиги асосини ўнлаб техникавий, иқтисодий ва таълим дастурлари ташкил этади. Бу дастурлардан энг муҳимлари сифатида ТАСИС, Трасека, Европа Тикланиш ва Тараққиёт Банки, Темпус ва Смеда лойиҳаларини санаб ўтиш мумкин. Таъкидлаш жоизки, бу дастурлар ўтган 10 йиллик даврда кўплаб йўналишларда турлича фаолият юритишди, ижобий натижалар ва камчиликлар ҳам турли кўринишларда бўлди.

Европа Иттифоқининг Ўзбекистон билан шериклик ва ҳамкорлиги ўзагини Тасис (TASIS - Technical assistance for the Commonwealth of Independent States) дастури ва Европа Тикланиш ва Тараққиёт Банки (EBRD - Banque Européenne de Reconstruction et de Développement) ташкил этади. Бу дастур Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига техникавий ёрдам кўрсатиш орқали амалга оширилади. Айнан Тасис дастури Европа Иттифоқи ва Ўзбекистон ҳамкорлигининг 70 фоизини ташкил этади ва бошқа халқаро кўмак дастурларидан ўз салоҳияти билан яққол ажралиб туради. Марказий Осиёдаги техникавий ёрдам кўрстиш манбаси сифатида Тасис энг илғор дастур ҳисобланади, йиллик молиявай ёрдам миқдори эса 10-15 миллион еврони ташкил қилади.

Яна бир муҳим ҳамкорлик дастури бу Трасекадир (TRACECA - Transport Corridor Europe-Caucasus-Central Asia). Ҳозирги давр Ўзбекистон Республикаси транспорт сиёсати ўзининг бир неча устувор йўналишларига эга. Бу йўналишларнинг энг асосийлари Трасека ва Буюк Ипак йўлининг қурилиши ва қайта таъмирланиши, Трансафғон транспорт коридори қурилишида иштирок этиш ва ички муҳим стратегик аҳамиятдаги Андижон-Тошкент-Нукус-Қўнғирот автомагистралини барпо этишдан иборатдир. Юқоридаги лойи-

ҳиларнинг муҳим қисмларида айнан Трасека дастури ўзининг молиявий ва техникавий иштироки билан ажралиб туради.

Темпус ва Смеда лойиҳалари иккинчи даражали дастурлар ҳисоблансада, ўз аҳамияти ва тутган ўрни билан Европа Иттифоқи ва Ўзбекистон ҳамкорлигида алоҳида маъно касб этади. Темпус (TEMPUS - European Educational Program - Programme communautaire d'йducation) турли соҳаларда фаолият юритувчи ўзбек мутахассисларига европача таълим андозаларида ёрдам кўрсатиш ва уларнинг Европа Иттифоқига аъзо давлатда амалиёт ўтишлари ёки малака оширишларига имкон яратади. Дастурнинг ижобий натижаларига Тошкентдаги Давлат қурилиш Академияси ва Сирдарё вилоятидаги лойиҳаларни мисол тариқасида келтириш мумкин. Смеда (SMEDA - Small and Medium Enterprise Development Agency) лойиҳалари негизида ўрта ва кичик корхоналарни қўллаб - қувватлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш омиллари ётади.

Юқорида қисқа равишда таъриф келтирилган дастурларнинг Ўзбекистондаги фаолиятларига баҳо берилса, у турлича бўлиши муқаррардир. Йирик доираларни ўзига қамраб олган Тасис ва Трасеканинг якуний натижалари ижобий деб қараш мумкин. Бироқ Смеда ва Темпус лойиҳалари фақат дастлабки босқичларда қониқарли фаолият юритишди, якуний натижалар эса кутилганидек юқори чиқмади.

2. Иккитомонлама ҳамкорликнинг устивор йўналишлари.

Маълумки, Европа Иттифоқи ва Ўзбекистон ҳамкорлиги 1997 йил 28 январда имзоланган иккитомонлама битим орқали бошқарилади. Бу битим ўз навбатида ўзига хослиги билан ажралиб туради. Чунки айнан шу битим “Европа Иттифоқи ва Ўзбекистон ўртасидаги шериклик ва ҳамкорлик шартномаси”нинг биринчи босқичи сифатида қабул қилинган.

Иккитомонлама ҳамкорликнинг устивор йўналишлари Европа Иттифоқи ва Ўзбекистоннинг ички ва ташқи сиёсий, иқтисодий, геосиёсий стратегиялари, шунингдек ижтимоий ва маданий манфаатларидан келиб чиққан ҳолда белгиланган. Иккитомонлама битим муқаддимасида кўрсатилганидек, Европа Иттифоқи ва Ўзбекистон иккитомонлама ҳамкорлигининг устивор йўналишлари қуйидагилардир:

- давлат мустақиллиги, суверинитет ва ҳудудий яхлитликка амал қилган ҳолда томонлар яқинлашуви;
- ёш мустақил давлат иқтисодиёти барқарорлигини кучайтириш;

- худудий ривожланиш ва хавфсизликни сақлаш;
- мустақил давлат инфратузилмаларини ривожлантириш ва такомиллаштиришда техникавий ва молиявий ёрдам кўрсатиш;
- сиёсий, иқтисодий ва маъмурий ислохотларни қўллаб - қувватлаш ва ҳоказо.

Шунингдек, саноат, савдо ва интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш, ўзаро экспертлар алмашиш ҳамда маъмурий ёрдам сингари йўналишлар ҳам муҳим ҳисобланади. Ушбу битимнинг Европа Иттифоқи ва Ўзбекистон ўртасидаги шериклик ва ҳамкорлик шартномасидан олдин имзоланиши эса томонларга маълум маънода синов муддатини беради. Томонлар ушбу синов давридан ижобий ўтишган тақдирдагина ўрта ёки узоқ муддатли иккитомонлама шартнома имзоланиши кўзда тутилади.

3. Европа Иттифоқи ва Ўзбекистон ҳамкорлиги истиқболлари.

Ўзбекистон, қолаверса яхлит олинган Марказий Осиё, ўзининг географик ва геосиёсий жойлашувидан келиб чиққан ҳолда халқаро муносабатлари тизимида муҳим ва ўзига хос ўрин тутади. Улар ниҳоятда улкан сиёсий ва иқтисодий салоҳиятни ўзида мужассамлаштирган ҳолда халқаро ва глобал алоқалар оқимининг ажралмас қисмига айланишга улгурди. Айнан шу ҳудуд Европа ва Осиёни боғлаб турган ҳолда, сиёсий ва иқтисодий стратегиялардаги йирик аҳамият касб этуви халқаро алоқалар чорраҳасига айланиб бормоқда.

Ҳозирги давр Европа Иттифоқи ва Ўзбекистон ўртасидаги шериклик ва ҳамкорлик сиёсати ўзининг бир неча устивор ва истиқболли йўналишларига эга. Бу йўналишларнинг энг асосийлари Тасис ва Трасека дастурларини янада мукамаллаштиришдир. Халқаро эксперт - мутахассисларнинг илмий асосланган таҳлил ва башоратларига қараганда, 21-асрда асосий айирбошлашлар, маҳсулот ва хом ашё оқимлари айнан АҚШ – Тинч океани ҳудуди - Европа учбурчагида жамланади. Шу сабабли бу ҳудуд билан доимий алоқалари учун етарли ва зарур майдон ҳозирлаш зарурати юзага келиб бормоқда. Бугунги кунда юқоридаги ҳудуд орқали ўтувчи оқимнинг ўсиш суръати йилига 2-3 фоизни ташкил этмоқда. Бундан кўришиб турибдики, Ўзбекистон бу жараёнда томонларни туташтириб турувчи кўприк вазифасини ўтамоқда.

Ўзбекистонда техникавий ёрдам ва дастурлар асосан жаҳоннинг етакчи молиявий ташкилотлари томонидан молиялаштирилмоқди. Шу ўринда Европа Иттифоқи ҳам бир қатор халқаро ташкилотлар сингари Ўзбекистонда шериклик ва ҳамкорлик фаолияти кўрсатишга хайрхоҳлик билдириб келмоқда. Европа Иттифоқи ва Ўзбекистон ўртасидаги муносабатлар истиқболи яна бир муҳим босқични ўз ичига олади. Бу босқич эса айнан таҳлил қилинаётган шерикликдан ҳақиқий ҳамкорликка ўтишдан иборат.

Хулоса

Биз юқорида қисқача таҳлил қилиб ўтган Европа Иттифоқи ва Ўзбекистон ҳамкорлиги истиқболлари бир неча қўшимча омилларга боғлиқ. Энг аввало, Европа Иттифоқи ўзининг Ўзбекистондаги устувор стратегияларини қайта кўриб чиқиш зарурияти пайдо бўлди. Чунки Ўзбекистон ўн икки йиллик ўтиш даврини бошдан кечирди ва табиийки бу даврда ҳар икки томон манфаатларида муҳим ўзгаришлар рўй берди. Қолаверса, Европа Иттифоқининг кўпгина ёрдам дастурлари Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигида яхлит тарзда амалга оширилади. Бу эса якуний натижаларга салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Маълумки, МДҲ давлатлари умумлашган ташкилор ёки ҳудудий бирлик сифатида қаралсада, бу давлатлар орасида бир қанча тафовутлар мавжуд. Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, Европа Иттифоқи ва Ўзбекистон ҳамкорлиги мана ўн йилдан ортиқ давр мобайнида миллий дипломатиямизнинг долзарб йўналишларидан бири бўлиб келмоқда. Ўзбек дипломатияси ва мустақил давлатимиз халқаро саҳнада дадил қадамлар билан илгари боришда давом этмоқда.

Европа Комиссияси ўзининг Марказий Осиёдаги ҳаракат стратегиясини янада такомиллаштириши ва дастурлар бошқарувини назорат қилиши керак бўлади. Шунингдек, яқин келажакдаги амалга ошириладиган дастурлар учун аниқ ва йўналтирилган механизмлар ишлаб чиқишга тўғри келади. Айнан шу орқали ҳар томонлама фойдали, Европа Иттифоқи ва Ўзбекистон манфаатларига мос тушувчи ислохотлар ва истиқболли ҳамкорликка эришиш мумкин бўлади.



ХУСАИНОВ Р.

*Университет Центральной Англии,
Бирмингем*

СТАНОВЛЕНИЕ И РАЗВИТИЕ РЫНКА ГОСУДАРСТВЕННЫХ КРАТКОСРОЧНЫХ ОБЛИГАЦИЙ В УЗБЕКИСТАНЕ

Актуальность исследования. В становлении и развитии финансовой системы каждого государства рынок ценных бумаг имеет особое значение, как самый эффективный способ привлечения заемных средств. Широкий выпуск ценных бумаг, создание и развитие этого рынка очень важны для узбекской рыночной экономики, так как позволят обеспечить альтернативное финансирование различных отраслей экономики наряду с другими его источниками.

Формирование в Узбекистане развитого рынка ценных бумаг и соответствующей инфраструктуры является ключевым направлением для перехода к социально-ориентированной рыночной экономике. Рынок государственных ценных в виде государственных краткосрочных облигаций (ГКО) в республике существует с 1996 года. Он стабильно развивается путем постепенного «удлинения» продолжительности государственного долга посредством эмиссии облигаций с большим сроком обращения, а также снижении стоимости обслуживания государственного долга. Расширение масштабов операций ГКО на рынке ценных бумаг РУ потребовало обобщения отечественного опыта. ГКО является главным и пока единственным видом государственных ценных бумаг Узбекистана. Поэтому развитие рынка государственных бумаг в республике связано с изучением мирового опыта функционирования рынка ГКО как в разви-

Деярли барча давлат бошқаруви ва ҳокимияти органлари ҳозирги даврга келиб ўзларининг веб сайтларига, ва аксариятлари локал компьютер тармоқларига эга. Уларнинг аксариятида алоҳида идоравий Дастурлар қабул қилинган ва ушбу йўналишга жавобгар раҳбарлар аниқланган. Барча давлат бошқаруви ва ҳокимияти органларида маъсул ходимларни ўқитиш юзасидан тегишли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Умуман олганда, Ўзбекистонда ахборот бошқаруви тизимларини жорий этилишининг ҳолатини қарайдиган бўлсак у бошланғич ҳолатда. Электрон ҳукумат йўналишида асосан ҳукумат фаолияти ҳақидаги ахборот билан таъминлашни яхшилаш бўйича ишлар олиб бориляпти, онлайн хизмат кўрсатиш каби кейинги босқичларги хали ўтилганича йўқ.

Агарда Фармон қабул қилингандан кейинги бир йилни оладиган бўлсак ушбу йўналишда анчагина ижобий натижани кузатса бўлади.

	2002й.май			2003й.май		
	умумий сони	веб сайтга эгалари	%	умумий сони	веб сайтга эгалари	%
Вазирликлар	14	5	36%	13	12	92%
Давлат қўмиталари	10	4	40%	11	10	91%
Агентликлар	7	4	57%	8	8	100%
Жойлардаги давлат ҳокимияти органлари	14	2	14%	14	11	79%

Интернет хизматини кўрсатувчи провайдерларнинг маълумотларига қараганда, давлат органларини интернетга уланишида катта ўсиш кузатилган. Шундай қилиб, 2002 йил давомида Интернет тармоғига уланган давлат идоралари сони 185 фоизга ортган.

Барча давлат органлари ҳақида умумий маълумот берувчи ва уларнинг веб сайтларини мантиқий боғлаб турув-

чи Ўзбекистон Республикаси Давлат ҳокимияти Портали лойиҳаси ишлаб чиқилди ва «gov.uz» адреси бўйича жойлаштирилди. Ушбу амалга оширилган ишларни «Электрон ҳукумат»ни жорий этиш томонга қўйилган илк қадамлар деб ҳисобласа бўлади.

«Электрон ҳукумат»ни жорий этиш учун керакли қонуний асосни яратиш мақсадида Олий Мажлиснинг иккинчи чақириқ ўн иккичи сессиясида «Ахборотлаштириш тўғрисида» ва «Электрон рақамли имзо тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонун лойиҳалари биринчи ўқишда қабул қилинди. Кейинги сессияга эса «Электрон ҳужжат алмашуви ҳақида» ва «Электрон тижорат ҳақида»ги қонун лойиҳалари тайёрланмоқда ҳамда «Электрон тўловлар ҳақида»ги қонун лойиҳаси устидан иш олиб бориляпти.

Шу билан биргаликда ушбу соҳада ҳали амалги оширилиши керак бўлган ишлар анчагина, масалан:

- Ҳатто мавжуд веб сайтларда ахборотлар жуда таъқис ва вазирлик ёки идоранинг бутун фаолиятини, ундаги норматив ҳужжатларни, аҳолига ва ташкилотларга кўрсатиладиган хизматларни, улардан фойдаланиш тартибларини тўлиқ акс эттирмайди. Бу эса ўз навбатида «Электрон ҳукумат»нинг имкониятларини жуда чегаралаб қўяди ва тегишли веб сайтнинг давлат ходимлари, аҳоли ва ташкилотлар орасида кенг фойдаланмаслигига олиб келади.

- Аризаларни ва ҳужжатларни электрон формада қабул қилишнинг тартиб қоидалари ишлаб чиқилмаган, бу эса электрон почтанинг ва электрон ҳужжат алмашувининг қулайликларидан фойдаланишни жуда чеклаб қўйган ва аксарият ҳолларда қоғозбозлик ва бюрократиянинг давом этишига олиб келмоқда. Айниқса, қоғознинг аксарияти импорт ҳисобидан келадиган Ўзбекистон учун бу ортиқча валюта ҳаражатларига сабаб бўлмоқда.

- Интернет орқали электрон тўловларни амалга ошириш жорий этилмаган, бу эса ўз навбатида давлат божларини, коммунал ҳаражатлар каби бир қанча тўловларни тўлаш жараёнида аҳолига ва ташкилотларга яратиладиган қулайликлардан фойдаланишга тўсқинлик қилади.

- Давлат органларини компьютерлар билан таъминланганлик даражаси паст. Умуман олганда, давлат органларида ҳар 1000 ходимга 74та хизмат телефони, 2,5 та шахсий компютери орқали Интернетга уланиш имкониятига, 2,8

та бошқа компьютерлар орқали Интернетга уланиш имкониятига ва 3,2 та электрон почта адресига эга ходимлар гўғри келади. Бундай аҳволда нафақат давлатнинг аҳолига ёки ташкилотларга кўрсатадиган хизматини самарасини ошириш, балки давлат ташкилотларининг ўзаро фаолиятини самарасини ошириш ҳам жуда қийин бўлиб қолмоқда

- Аҳолининг ҳам жуда кам қисми (атиги 360 минг киши атрофида) Интернетдан фойдаланади. Шу сабабли «Электрон ҳукумат»нинг жорий қилинадиган элементларидан ҳам аҳолининг жуда кичик қатламигина фойдалана олади. Иккинчи тарафдан эса «Электрон ҳукумат»нинг кенгроқ жорий этилиши аҳоли ва ташкилотларни кўпроқ Интернетдан фойдаланишга ундайди, чунки улар Интернет орқали кўпроқ ишларини самаралироқ амалга оширишга имкониятлари бўлади.

- Давлат ахборот базаларини жорий этиш ва улардан фойдаланиш бошланғич ҳолатда. Натижада аҳоли ва ташкилотлар бир турдаги ахборотни қайта-қайта кўпчилик давлат органларига топширишлари давом этмоқда.

«Электрон ҳукумат»нинг муваффақияти нафақат ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш билан чегараланиб қолмайди, балки у умуман маъмурий ислохотни амалга оширишни талаб қилади. Натижада давлат ходимларига бўлган талаб ҳам ўзгаради, компьютер саводхонлиги ишга қабул қилишда зарур шарт сифатида белгилаб қўйилади. Барча вазирлик ва идораларнинг иш юритиш тартиби тубдан ўзгаради.

IV. Хулоса ва тақлифлар.

Электрон ҳукуматни босқичма-босқич жорий этиш ҳар қандай давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ўсишидаги муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Шу муносабат билан дунёдаги илғор тажрибалардан самарали фойдаланиш ва ахборот-коммуникация технологияларини кенг жалб этиш Ўзбекистон Республикаси олдида турган асосий вазифалардан биридир.

Ўзбекистон Республикасида бу борада анчагина ишлар амалга оширилган ва ҳозирдаги энг асосий вазифалардан бири бу ҳукумат қарорларида кўзланган мақсадларга эришиш юзасидан амалий чора тadbирларни кўриш ва АКТнинг Ўзбекистондаги ривожини янада кенгроқ қўллаб қувватлашдир.

Электрон ҳукуматни жорий этиш борасидаги қонуний-норматив ҳужжатларини тайёрлаш ва уларни доимий равишда жамият ҳаётига кенг жорий этиб бориш жуда муҳимдир.

ШОДМОНОВ ШУХРАТ ШЕРКУЛОВИЧ

Асака банк

*Лидс университети (Буюк Британия)
Иқтисод ва Молия Магистр(2002)*



ДИВЕРСИФИКАЦИЯ СТРАТЕГИЯСИ ВА УНИНГ КОМПАНИЯ ҚИЙМАТИГА ТАЪСИРИ

Агар компания ўз фаолияти турини кўпайтирса ўз-ўзидан бу компаниянинг бизнес стратегияси билан корпоратив стратегияси орасида фарқ юзага келади. Корпоратив стратегия бош офиснинг стратегияси бўлиб, у компаниянинг умумий йўналишчи белгилаб бериши керак. Корпоратив стратегия ушбу уч бойлик келтирувчи йўналишларда ишлайди.

- Портфел (тармоқлар) менежменти, яъни ҳар хил фаолият турларини бир жойга туплаш ва уларни бошқариш. Бу ўринда компания қайси фаолият турларини сақлаб қолиш ва ривожлантириш ва қайси турларидан халос бўлишни хал қилиши лозим.

- Корпоратив хусусиятлар-бу компаниянинг фақат ўзига хос бўлган билим ёки хусусиятлари.

- Компания таркибидаги ҳар бир тармоқ фаолиятини ошириш. Бу компания ишлатадиган менежмент турига боғлиқдир.

Диссертациянинг асосий қисми биринчи йўналиш-портфел (тармоқлар) менежменти билан боғлиқдир.

1960 йиллари АҚШ ва Европа давлатлари компанияларининг жуда кўп қисми ана шу диверсификация стратегиясини қўллашган. Аммо 1980-йилларга келиб бу компаниялар яна орқага қайтиб бир тармоқли корхонага ўтиб олишган. Диссертациям учун йиғилган маълумотларнинг даст

лабки таҳлили шуни кўрсатадики, ҳозирда Буюк Британия корпорацияларининг 43% бир тармоқли, 28% икки тармоқли, 15% уч тармоқли ва 13% тўрт ва ундан ортиқ тармоқларда иш юритмоқдалар. Шундай экан, ўз ўзидан бир савол тўғилади-бир эмас бир неча тармоқда иш юритиш компания учун фойдалими ёки зарарли?

Ушбу масалага назарий жиҳатдан ёндошадиган бўлсак, бир тараф олимлар бундай компаниялар кўп тармоқда иш юритганликлари учун ишлаш унумдорлиги ошиши, кўпроқ кредит олиш имконияти ва кам солиқлиги билан фойда келтиради деб айтишса, иккинчи тараф олимлар бундай компанияларни бошқариш қийин бўлганлиги учун компанияга катта зарар етади дейишади ва шу тариқа олимлар аниқ бир тухтамга келишмаган.

Диссертациянинг асосий мақсади диверсификация стратегиясининг компанияларга таъсирини назарий жиҳатдан очиқ бериш билан бирга уни ҳозирги давр маълумотларини статистик ва эконометрик анализ қилиш орқали исботлаб беришдир.

1. Диверсификация, унинг турлари ва компанияларнинг баҳоланиши.

Диверсификация стратегияси бу ўзи ишлаб турган тармоққа яна бошқа тармоқларни қўшишдир. Буни уч хил йўл билан амалга ошириш мумкин

- Компанияларни сотиб олиш ёки сотиб юбориш билан.
- Ички инвестицион проектларни қивожлантириш билан.
- Мавжуд бўлган тармоқлардан умуман ёпиш билан.

Диверсификацияни икки турга бўлиш мумкин, вертикал ва горизонтал.

Вертикал диверсификация дейилганда компаниянинг бир тармоқдан чиқмасдан туриб ишлаб чиқариш занжири бўйича тепага ёки пастга сурилишидир. Масалан, пахтани қайта ишлаб чиқарадиган компания кейинчалик пахтадан ип-йигирув цехлари ва пахтадан тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ҳам ўтса бу вертикал диверсификация деб аталади.

Горизонтал диверсификацияда эса компания бошқа тармоқдаги айна ўз фаолияти билан шуғулланишига айтилади. Масалан, пахтани қайта ишлайдиган компания кейинчалик тиллани қайта ишлашга ҳам ўтиб кетса, бу горизонтал диверсификация.

Диверсификациянинг фойда ва зарар тарафлари ҳақида гапирадиган бўлсак, 60-70 йиллардаги адабиётларда кўпроқ диверсификациянинг фойда тарафлари ҳақида гап юритилади. Хусусан, Левелленнинг айтишича ҳар хил тармоқларни бирлаштиришда улардан келадиган нақд пул тушумлари бир бирига мос келмаганда, компаниянинг умумий нақд пул тушуми силлиқлашади (стабиллашади), бу эса инвесторлар учун рискнинг камйиши билан бирга корхона учун кўпроқ кредит олиш имкониятини беради.

Мажид ва Майерсларнинг айтишича, кўп тармоқли корхоналар бошқа бир тармоқли корхоналарга қараганда камроқ солиқ тулашади. Масалан, икки тармоқли корхонанинг 1-тармоғи \$100 фойда билан 2-тармоғи эса \$100 зарар билан чиқди. Бу ўринда, агар иккала тармоқ ҳам бир корхона таркибида бўлса, корхона давлатга фойда солиғи тўламайди, чунки бир тармоқнинг фойдасини иккинчи тармоқ ёпиб кетади. Агарда икки тармоқ алоҳида корхона бўлишганида, унда бири \$100 фойдадан солиқ тўлайди, иккинчиси эса тўламайди. Кўриниб турибдики, бундай икки тармоқни бир корхонага бирлаштириш солиқдан ютишга олиб келади.

Харрис, Крибел, Равис бундай корхоналарнинг зарар тарафларини тушунтириб, шундай дейишади: «Кўп тармоқли корхоналарни бошқариш жуда қийин бўлади ва бунда менежерлар нотўғри қарор қабул қилишлари мумкин. Ёки бўлмаса бошқарувчи фақат тармоқларнинг ҳар кунги бўладиган ишлари билан банд бўлиб корхонанинг умумий йўналиши ҳақидаги масалалар четда қолиб кетади.

Виллиамсон ўзининг машҳур «Бозорлар ва Иерархиялар» китобида айнан шу масалаларни ҳам кўриб чиққан. У агар икки тармоқда ишлаб чиқаришда ўзаро техник мувофиқлик (тежамкорлик) мавжуд бўлса, бу тармоқларни бирлаштириш лозим дейди ва бу тармоқларни бирлаштириш орқали ўсиш жараёни ундан келадиган фойда у келтирадиган зарардан кам бўлган тақдирда тўхтатилиши лозим. Ундан келадиган зарарни эса Виллиамсон менежернинг бундай катта корхоналарда тўғридан тўғри бошқармаслигини, балки ҳар бир тармоқ бошлиқлари келтирган информация асосида бошқариши ва шунинг учун тўлиқ информацияга эга эмаслигида деб тушинади.

Биз десертацияда диверсификациянинг компания қийматига таъсирина ўрганмоқчи эканмиз, компания баҳола-

ниш усуллари ва у қарда, ким томонидан баҳоланиши ҳақида ҳам маълумот беришимиз керак.

Умуман компания қиймати дейилганда, унинг бозордаги ҳақиқий нархи тушунилади, яъни инвесторлар шу компанияни сотиб олиш учун берадиган баҳосидир.

Албата компаниянинг баҳоси унинг рентабиллигига кўп даромад келтиришига ва унинг бошқарувчиларига ҳам боғлиқ. Бу жиҳатларидан хулоса қилиб, компаниянинг таҳминий баҳоси топиб берадиган усуллар ҳам бор, аммо бу усуллар компаниянинг келажакдаги бўлиши мумкин бўлган даромадларининг ҳаммасини ҳам ўз ичига олмайди, ҳолбуки компаниянинг келажакдаги нақд пул тушумларигина корхонанинг ҳозирги қийматини белгилаб бериши мумкин. Бу жиҳатдан қараганимизда PV(present value) методи бошқа усулларга қараганда, корхонанинг аниқ баҳосини белгилаб бериши мумкин, агарда унда келтирилган информациялар тўғри бўлса. Бу метод ушбу формада келтирилади:

$$PV=a+b/(1+r) +c/(1+r)^2 +d/(1+r)^3$$

PV-корхонанинг ҳозирги қиймати; a,b,c,d-корхонанинг 0,1,2,3 йиллардаги нақд пул тушумлари; r-корхона капитали нархи, яъни капитал проценти.

Акциялар бозорида корхонанинг қиймати у чиқарган барча акцияларни бозордаги шу акция нархига кўпайтириш билан топилади. Бозордаги корхона акциялари баҳоси кўчоридаги формула орқали корхона ҳақидаги барча маълумотларни, хусусан юқорида айтиб ўтилгандек корхонанинг ўз тармоғига янги тармоқларни қўшиш ёки ўз тармоқларини сотиб юбориш ёки халос бўлишнинг зарар ва фойда тарфларини ҳам ўз ичига олади.

3. Анализ методи.

Анализ методини танлашда, асосан интернет тармоғида мавжуд бўлган маълумотлар, компаниянинг бир тармоқли компаниядан кўп тармоқли компанияга ўтишининг шу компания қийматига таъсирини аниқ ўргана олишимиз эътиборга олинди.

Компаниянинг бир тармоқлидан кўп тармоқли корхонага ўтиши билан бу корхона қиймати ўртасидаги ўзаро боғлиқликни таҳлил қилиш учун биз бир вақтнинг ўзида бир тармоқли ва кўп тармоқли корхоналарни солиштириш йўлини қўллаймиз. Уларнинг қийматини солиштиришда

тўғридан тўғри уларнинг баҳосини эмаф, балки Тобиннинг q ифодасини қўллаймиз.

q — бу компания қийматининг унинг активларининг алмаштириш ҳаражатлари нисбатидир. Масалан айтайлик, А корхонанинг 100 дона акцияси бор ва унинг иккиламчи бозордаги нархи \$100. Демак бу корхонани бутунлай сотиб олиш учун $100 \times \$100 = \10000 етарлидир, аммо унинг хом ашё, станок, бино-хуллаас ҳамма активларини бозорда сотадиган бўлсак йиғиндиси \$8000 ташкил этади. Бу ўринда $q = 10000 / 8000 = 1.25$ га тенг. Орадаги \$2000 фарқ эса инвесторларнинг бу корхона келажакга ишончи ва умуман корхонанинг номатериал бойликлари ифодасидир. Тобиннинг айтишича, q 1 дан юқори бўлса компаниялар кўпроқ инвестиция қилишлари лозим, чунки ҳар бир қилинган \$1 инвестиция инвесторлар томонидан \$1.25 баробар баҳоланмоқда ва бу инвестиция жараёни q 1га тенглашгунча давом этиши лозим, шундагина корхонанинг қиймати энг юқори даражага кутарилади.

Диссертацияда биз корхона қарзлари ва активлари бозор нархини аниқ топишимиз жуда қийин бўлганлиги сабабли уларнинг молиявий ҳисоботларидаги қийматини оламиз. Демак q нинг диссертациямиздаги кўриниши ушбу ҳолда бўлади:

$q = (\text{акциялар баҳоси йиғиндиси} + \text{корхона қарзлари}) / \text{барча активлар йиғиндиси}$

4. Даствлабки анализ.

Корхоналар ҳақидаги даствлабки информация ЛФБ (Лондон фонд биржаси) да расман мавжуд бўлган барча компаниялар рўйхати билан бошланади. 2001 йил 31 декабр ҳолатига кўра ЛФБда 1809та компания мавжуд бўлган. Булардан 730таси молиявий ҳизмат соҳасида бўлганлиги сабабли буларни чиқариб ташлашга мажбур бўлдик. Қолганларининг 101таси ҳақида тўлиқ маълумот топа олмаганлигимиз учун уларни ҳам анализдан четлаштирамиз.

Даствлабки анализ натижаларига асосан, қолган 978та компаниянинг 422 таси, яъни 43% бир тармоқли, қолган 556 таси эса 2 ва ундан ортиқ тармоқли компаниялардир. Даствлабки анализ куйида кўрсатилган.

<u>Корхоналар тармоқлари</u>	<u>q-ифодаси</u>
1 тармоқли корхоналар	1.85

2 тармоқли корхоналар	1.58
3 тармоқли корхоналар	1.46
4 тармоқли корхоналар	1.31
5 тармоқли корхоналар	1.46

Дастлабки анализдан кўриниб турибдики, корхона тармоқлари сони ошган сари корхона қиймати тушиб бормоқда.

5. Анализ ва унинг натижалари.

Биз ҳар хил корхоналарни анализ қилишда уларнинг баҳо-сига таъсир курсатувчи 2 омилга эътибор қилишимиз лозим. Булар индустрия ва корхона катталигидир. Корхонанинг қ нисбати унинг қайси тармоқ ёки қайси индустриядалигига ҳам боғлиқдир. Масалан, юқори технология ишлаб чиқарадиган корхоналар қ нисбати бошқа корхоналарникига қараганда анча юқори бўлади ва бу фақатгина шу тармоқнинг хусусиятидир. Шунинг учун биз анализда бундай таъсирдан халос бўлиш учун ҳар бир индустрия ўртача қ нисбатидан 1 ни айириб ўртача қийматни топамиз ва уни шу индустриядаги ҳар бир корхона қ нисбатидан айириб ташлаймиз.

Анализни LIMDEP эконометрик программаси ёрдамида олиб борамиз.

Демак, биз кўп тармоқлилик даражаси ва унинг қ нисбати орасида тўғри чизиқли боғлиқлик бор деб гипотеза қиламиз ва уни текшираемиз, яъни

$$q = a + b \cdot x + e$$

q- тобиннинг нисбати

a- констант

b- кўп тармоқлилик даражасининг қ нисбатига таъсир коэффициентлари

x- кўп тармоқлилик даражаси

e- q га таъсир қилувчи бошқа омиллар ифодаси лекин бу форма бизга ҳар бир тармоқ кўшилиши қанча таъсир кўрсатишини аниқлаб бера олмайди. Шунинг учун қуйидаги формани қабул қиламиз.

$$q = a + b_1 \cdot D(2) + b_2 \cdot D(3) + b_3 \cdot D(4) + b_4 \cdot D(5) + e$$

q- тобиннинг нисбати

a- констант

b1, b2, b3, b4- кўп тармоқлилик даражасининг қ нисбатига таъсир коэффициентлари.

D(i)- ўзгарувчи бўлиб, корхона i та тармоққа эга бўлса, шунча D бир қийматига эга бўлади i эса 1, 2, 3, 4 ёки 5

қийматини олиши мумкин. Бу ўринда, масалан, $D(2)$ икки тармоқли корхона q нисбати ва бир тармоқли корхона q нисбати ўртасидаги фарқ деб тушунтириш мумкин.

Формулани LIMDEP программасига қўйиб регрессиянинг қуйидаги натижаларини олдик.

<u>коэффициент</u> <u>даражаси</u>	<u>коэффициент қиймати</u>	<u>ишончлилик</u>
a	1.85	0.00
b_1	-0.274	0.09
b_2	-0.115	0.59
b_3	-0.152	0.62
b_4	-0.146	0.69

Ушбу натижалардан кўришиб турибдики, тармоқ сонининг ошиши корхона q нисбатига салбий таъсир кўрсатмоқда, аммо ишончлилик даражаси фақат a ва b_1 коэффициентларида юқори, қолганлари ҳақида эса ишонч билан бир натижа айта олмаслигимиз туфайли буларни формуладан чиқариб ташлаб a ва b_1 коэффициентларини аниқроқ қийматини топишга ҳаракат қиламиз. Бундан ташқари, корхона ҳажми таъсирини камайтириш мақсадида корхона активлари йиғиндисини ўзгарувчи сифатида киргизамиз ва тенгламанинг икки тарафининг логарифминини олиб ушбу ҳолга келтирамиз:

$$\log(q) = a + b_1 \cdot D(2) + c \cdot \log(M)$$

Бу ерда M корхона активлари йиғиндисини, c эса унинг таъсир коэффициентини. Бу ерда биз коэффициентларнинг корхона қийматига таъсирини процент ҳисобида кўришимиз мумкин. Ушбу регрессиянинг программадаги натижалари қуйидагичадир.

<u>коэффициент</u> <u>даражаси</u>	<u>коэффициент қиймати</u>	<u>ишончлилик</u>
a	2.39	0.00
b_1	-0.24	0.07
c	-0.08	0.07

Ушбу натижалардан 93% ишонч билан айтишимиз мумкинки b_1 коэффициенти корхона қийматига, яъни q га ўзининг салбий таъсирини кўрсатади ва бу таъсирни биз 24% ҳисобида ўлчадик, яъни корхона бир тармоқли корхонадан 2 ёки ундан ортиқ тармоқли корхонага ўтиш даврида

узининг бозордаги 24% қийматини йўқотади ва бу фақат Буюк Британия компаниялари учун хосдир.

Хулоса

Хулоса қилиб айтганда, биз кўп тармоқли бизнеснинг корхона инвесторлари учун фойда келтирмаслигини балки 2 ва ундан ортиқ тармоқли корхоналарда зарар келтиришини Буюк Британия мисолида кўриб чиқдик, аммо афсуски, ҳар бир тармоқ қўшилиши таъсирини аниқ бир ишонч билан кўрсатиб бера олмадик.

Шундай экан, кўп тармоқли корхоналар нима учун яшаб келмоқдалар? Нима учун корхоналар зарарли тармоқларни ўз таркибларида сақлаб келмоқдалар?

Бундай ҳолат С.Матур ва А.Кенйонларнинг тушунтиришларига қараганда, компаниянинг эгалари бошқа-ю унинг бошқарувчилари бошқа бўлганлиги сабабли юзага келади. Бошқарувчиларнинг маоши ва репутацияси корхона қанчалик катта бўлса, шунча ошади. Шунинг учун менежерлар кўп ҳолларда зарар келтиришини билсалар ҳам бошқа тармоқларни сотиб олишга ҳаракат қиладилар. Бу масаланинг яна бир жавоби шундан иборатки, корхона қанча катта бўлса, бу корхонанинг бошқа корхоналар томонидан сотиб олиниш хавфи ҳам шунчалик камаяди.

ЭРНАЗАРОВ ШАХРУХ КУДРАТОВИЧ

*Министерство высшего и среднего
специального образования Республики
Узбекистан*

*Главное управление внешних связей
Заместитель начальника*



*Университет Сити (Лондон, Великобритания)
Магистр (1999)*

ПОЛИТИЧЕСКАЯ КОММУНИКАЦИЯ. ВЫБОРЫ В ВЕЛИКОБРИТАНИИ

Вопреки сложившемуся мнению, даже наиболее деспотические режимы нуждаются в сохранении определенной степени поддержки со стороны населения, в то время как в демократических странах, где регулярно проходят выборы, поддержка населения является важнейшим фактором для победы на выборах или, иными словами, для прихода к власти и ее удержания. Что бы не делали правительства в либерально-демократических обществах, дома или за рубежом, будь то снижение налогов, забота об уровне образования, здравоохранения и общественного порядка, или ведение военных операций далеко за пределами своих границ, они должны постоянно действовать с оглядкой на общественное мнение в своих странах, иначе, это чревато поражением на выборах — потерей власти.

Многие и поныне верят, что пропаганда определенных социально-политических ценностей и манипуляция общественным мнением присущи лишь диктаторским режимам. Однако исследования, проведенные «Gallup & Lassell» и многими другими, показали, что «пропаганда не является

прерогативой диктаторов. Даже в наиболее развитых демократических государствах общественное мнение до определенной степени регулируется. В последнее время были примеры беспрецедентных попыток управлять им».

Никто не сомневается, скажем, в военной мощи США или Великобритании. Однако правительства этих стран не могут себе позволить, в одночасье, провести агрессивно-силовую операцию, дабы устранить «нежелательный режим», хотя, с чисто военной точки зрения, подобная операция, возможно, была бы обречена на успех. Почему? Потому что наряду с другими причинами, собственный народ осудит подобные действия. А это, опять таки, может обернуться

¹ В этой связи, представляют интерес принципы военной пропаганды, которые впервые были изложены в письменном виде британским дипломатом лордом Понсонби (1871-1946). Суть этих принципов сводится к следующему:

- «Мы» не хотели войны.

«Для ведения военной пропаганды первым делом необходимо убедить собственный народ в том, что «мы» не хотели войны. Это «другие», «они» начали войну. «Мы» же вынуждены защищаться».

- Враг воплощается в конкретной личности.

«Нельзя ненавидеть весь народ. Нужно персонифицировать образ врага, показать своему населению, что глава, руководитель «других» - это душевнобольной, свихнувшийся, продажный человек».

- Наши действия мотивируются принципами человеколюбия.

«Следует умалчивать, что в войне преследуются экономические цели, подчеркивая лишь гуманитарные причины. Так это было во времена Первой мировой войны: мы не воевали за контроль над Суэцким каналом или за новые колонии □ Ни в коем случае! Мы сражались, руководствуясь принципами высочайшего благородства. В Первую мировую войну, в частности, это были такие принципы как «раздавить милитаризм», «защитить малые народы», «подготовить мир к демократии» □»

- Действия врага отличаются особой жестокостью и вызывают ужас.

«Следует максимально оперативно распространять сведения о жестокостях, совершенных противником, разъясняя, что именно ему свойственны подобные поступки».

(M. Collon, 10, 1998)

поражением на выборах. Дабы этого избежать, необходимо подготовить свой народ¹.

Продолжающаяся военная операция в Ираке, равно как и война в Персидском заливе в 1991 г., бомбовые удары по Югославии 1999 г. наглядно продемонстрировали, что контроль за освещением военных действий возрос в политических целях. И это началось с Фолклендской войны. Здесь важно подчеркнуть, что в определенных военных кругах США бытовало мнение, что американцы проиграли войну во Вьетнаме главным образом благодаря негативному освещению войны в СМИ, что привело к краху общественной морали в самих США. Общественное мнение было против войны. Усвоив этот урок, Тэтчеровское правительство ввело жесткую цензуру на освещение Фолклендской операции в СМИ. В результате «именно Фолклендская война заставляла относиться к Миссис Тэтчер как дома, так и за границей, как к сильному национальному лидеру, заслуживающему уважения» (М.Скаммэлл, 1995, 91) Как отметил Б.МакНэйр, «успех Тэтчеровского правительства в деле контроля над освещением Фолклендской войны в СМИ, представляло собой не исключение из правил, а скорее начало новой тенденции». (Б.МакНэйр, 178-179, 1995).

Последний конфликт в Ираке наглядно продемонстрировал высокий уровень профессионализма специалистов политической коммуникации в США. До самой военной операции, в ходе ее, и по ее окончании, около 70 процентов населения США считали и считают оправданными военную интервенцию. Такого высокого показателя нет больше нигде в мире, за исключением, пожалуй, Израиля (в силу очевидных причин).

В определенных ситуациях, таких, например, как конфликт в Северной Ирландии или война в Югославии, новости зачастую превращались в явную форму пропаганды, с целью демонизировать и дехьюманизировать «врага». Так, ссылка на Президента партии Шин Фейн (Сев. Ирландия) в газете «Сан», как на два наихудших слова в английском языке, служат тому подтверждением (Б.МакНэйр, 69, 1995).

Как отметил Б.МакНэйр, современных политиков оценивают не только по тому, что они говорят и что они делают, но и потому, как они это говорят и делают. «Коммуника-

ция означает гораздо больше, чем простая огласка или реклама. Она подразумевает, что мы будем говорить, как мы это будем говорить, и кого мы выберем, чтобы это сказать» («Гардиан», интервью с П.Мандельсоном, министром по предвыборной компании). Иными словами, «популистский» формат и стиль начинают играть все более важную роль в политической коммуникации, чем когда бы то ни было ранее.

Термин «политическая коммуникация» подразумевает, но не ограничивается такими понятиями, как пропаганда, убеждение, психологическая война, освещение международных политических и экономических событий, политических новостей, военных операций; проведение политического маркетинга и т.д.

Так, МакНэйр разделяет четыре типа политического PR. Это: 1) медиа менеджмент; 2) имидж менеджмент; 3) внутриправительственная коммуникация; 4) информационный менеджмент. Наиболее важным из них, по мнению того же МакНэйра, является медиа менеджмент. Ибо, в современных либерально-демократических обществах на общественное мнение можно повлиять, прежде всего, через средства массовой информации.

Масс медиа, в особенности телевидение, проникает, фактически, в каждый дом. Избиратели теперь все больше зависят от СМИ и все больше от телевидения, в восприятии важных политических вопросов и личностей. Профессиональные политические маркетологи осознали, что телевизионные новости являются наиболее важным каналом коммуникации в борьбе за голоса избирателей. Рональд Рейган, бывший актер, в свое время четко осознал это и использовал данный фактор в начале своей политической карьеры. Его успешная президентская компания, а также его приход на пост президента Соединенных Штатов вывели на передний план изысканность политических паблик релэйшнз, подняли его на еще более высокий уровень. Медиа-команда Р.Рейгана разработала такие технологии манипуляции новостей, как «меры по нейтрализации неприятных фактов, новостей» (damage control) (стремительная изоляция неприятных новостей), «линия дня»² и «спин» (говорить вроде бы правду, но под определенном углом). (Б.Франклин, 105, 1994). С тех пор подобная тактика стала широко применять-

ся многими партиями и правительствами, включая консервативную и лейбористскую партии в Великобритании.

Из вышеизложенного очевидно, что пропаганда, распространение стратегических и тактических идей, формирование на их базе общественного мнения является приоритетным направлением «большой политики», а значит, и политической коммуникации. В современном мире, где доминантой выступают демократические ценности, значение политической коммуникации возрастает как никогда прежде. Неслучайно XXI век называют веком информации и информационных технологий, в контексте которого многие говорят о глобализации информационных процессов, о создании единого планетарного информационного пространства, где особую весомость приобретает политическая коммуникация.

Данная работа рассматривает политическую коммуникацию, прежде всего, через призму выборов в Великобритании, а также попытки Британского правительства регулировать общественное мнение внутри своей страны. Однако, в силу сложившихся «особых отношений» между Великобританией и США, включая тесное сотрудничество между консервативной партией (ВБ) и республиканской партией (США), Лейбористской партией (ВБ) и Демократической партией (США), мы предприняли попытку проанализировать развитие англо-американской политической коммуникации. При этом поставили перед собой задачу разобраться как правительства Великобритании и США стремятся в соответствующей «обертке» преподнести ту или иную информацию, как они пытаются контролировать, формировать и манипулировать общественным мнением. Особое внимание здесь также уделено систематизации тех изменений, кото-

¹ Исследования американского социолога М.Хертсгаарда показали насколько важную роль играл отдел по работе с общественностью в ходе Президентства Р.Рейгана. «В закрытых заседаниях Белого Дома каждое утро разрабатывалась «линия дня», которой затем вскармливали прессу. Ежедневно, обзванивались все ведущие телеканалы с целью чтобы «преподнести» Президента как можно с более выгодной стороны в вечерних новостях». (М. Хертсгаард, 125, 1988)

рые произошли в методах ведения предвыборных кампаний и технике политического PR в Великобритании.

Здесь изучены механизмы получения информации в Британском правительстве. Осмыслен и обобщен опыт работы т.н. «картеля лобби-журналистов» и кодекс их поведения как в зданиях правительства, так и за их пределами, насколько лобби-журналисты являются независимыми и критическими обозревателями. Проанализированы роль, функции и политическое влияние пресс-секретарей в правительствах М.Тэтчер, Б.Клинтона и Т.Блэйра, подвергнуты анализу их ежедневные пресс-конференции. В работе также рассмотрены механизмы работы Британского правительства изнутри, в частности, как официозная информация попадает в печать, на радио и телевидение. При этом акцент сделан на взаимоотношения членов правительства и редакторов СМИ, как и кто из журналистов и, каким образом имеет доступ к правительственной информации, как работают с протокольной информацией ведущие национальные периодические издания, а также общественные телеканалы BBC, ITN, Channel 4.

В целом, на основании данного исследования, можно сделать следующие выводы:

1. Правительства в либерально-демократических обществах (как, пожалуй, и во всех остальных) чрезвычайно озабочены своим имиджем.

2. Методы формирования и манипуляции общественным мнением все более изоцируются.

3. Страсть к PR очень велика в настоящее время эта тенденция будет расти.



ЭШМАТОВ ФАРХОД ХАСАНОВИЧ

*Нью-Йоркский государственный
университет, Бинхэмтон (США)
Математика Магистр*

АСИМПТОТИЧЕСКИЕ МЕТОДЫ РЕШЕНИЯ СИСТЕМ НЕЛИНЕЙНЫХ ИНТЕГРО- ДИФФЕРЕНЦИАЛЬНЫХ УРАВНЕНИЙ, СОДЕРЖАЩИХ КРАТНЫЕ ИНТЕГРАЛЫ ТИПА ВОЛЬТЕРРА

В работе предлагается метод усреднения для систем интегро-дифференциальных уравнений типа Вольтерра. Доказаны теоремы, устанавливающие близость решений систем как на конечном, так и на бесконечном отрезках времени. Для обоснования этого метода было доказано неравенство, обобщающее известное неравенство Грануолла-Беллмана.

Рассмотрим систему нелинейных интегро-дифференциальных уравнений

$$x = \varepsilon X \left(t, x(t), \int_0^t \varphi_1(t, s_1, x(s_1)) ds_1, \dots, \int_0^t \dots \int_0^t \varphi_1(t, s_1, \dots, s_n, x(s_1), \dots, x(s_n)) ds_1 \dots ds_n \right) \quad (1)$$

где, $\varepsilon > 0$ -малый параметр; x - k -мерный вектор; $X(t, x, u_1, \dots, u_p)$ и $\varphi_i(t, s_1, \dots, s_i, u_1, \dots, u_i)$ соответственно k -мерная и m_i -мерная вектор-функции, определенные и непре-

ривные для всех t и S_i из интервала $[0; \infty]$ и всех x , $u_i \in E_k$, где, E_k и E_{m_i} — евклидовы пространства размерностей соответственно k , m_i , $i = \overline{1, n}$.

Многие задачи динамики нелинейной теории вязкоупругости [1] сводятся к уравнениям вида (1).

Для систем (1) применим схему усреднения [2,3], приводящую к системе дифференциальных уравнений.

Рассматривая x , t , входящие в X и φ_i как параметры, вычислим интегралы.

$$\int_0^{\infty} \dots \int_0^{\infty} \varphi_i(t, s_1, \dots, s_i, x, \dots, x) ds_1 \dots ds_i = \psi_i(t, x) \quad i = \overline{1, n}.$$

Пусть существует предел

$$\lim_{T \rightarrow \infty} \frac{1}{T} \int_0^T X(t, x, \psi_1(t, x), \dots, \psi_n(t, x)) dt = X_0(x) \quad (2)$$

Тогда системой уравнений (1) сопоставим следующую систему дифференциальных уравнений:

$$\dot{\xi} = \varepsilon X_0(\xi) \quad (3)$$

Лемма. Пусть при $t \geq \tau \geq s_i \geq 0$, $i = \overline{1, n}$ выполнены условия:

- 1) $z(t)$, $\lambda(t)$, $\mu_i(t, s_1, \dots, s_i)$, $i = \overline{1, n}$ — неотрицательные непрерывные функции;
- 2) $z(t)$ удовлетворяет неравенству

$$z(t) \leq \alpha + \beta \int_0^t \lambda(\tau) \left[z(\tau) + \sum_{i=1}^n \sum_{j=1}^i \int_0^{\tau} \dots \int_0^{\tau} \mu_i(\tau, s_1, \dots, s_i) z(s_j) ds_1 \dots ds_i \right] d\tau$$

где α и β неотрицательные числа. Тогда

$$z(t) \leq \alpha e^{\beta \int_0^t \lambda(\tau) \left[1 + \sum_{i=1}^n \int_0^\tau \dots \int_0^\tau \mu_i(\tau, s_1, \dots, s_i) ds_1 \dots ds_i \right] d\tau}.$$

Доказательство. Пусть

$$w(t) \leq \alpha + \beta \int_0^t \lambda(\tau) \left[z(\tau) + \sum_{i=1}^n \sum_{j=1}^i \int_0^\tau \dots \int_0^\tau \mu_i(\tau, s_1, \dots, s_i) z(s_j) ds_1 \dots ds_i \right] d\tau.$$

Имеем

$$\begin{aligned} \frac{w(t)}{w(t)} &= \beta \lambda(t) \left[\frac{z(t)}{w(t)} + \sum_{i=1}^n \sum_{j=1}^i \int_0^t \dots \int_0^t \mu_i(t, s_1, \dots, s_i) \frac{z(s_j)}{w(t)} ds_1 \dots ds_i \right] \leq \\ &\leq \beta \lambda(t) \left[1 + \sum_{i=1}^n \sum_{j=1}^i \int_0^t \dots \int_0^t \mu_i(t, s_1, \dots, s_i) ds_1 \dots ds_i \right] \end{aligned}$$

так как

$$w(t) \geq w(s) \text{ при } t \geq s \text{ и } w(s) \geq z(s), \text{ т.е. } w(t) \geq z(s).$$

Интегрируя полученное неравенство, находим

$$\ln w(t) - \ln \alpha \leq \beta \int_0^t \lambda(\tau) \left[1 + \sum_{i=1}^n \int_0^\tau \dots \int_0^\tau \mu_i(\tau, s_1, \dots, s_i) ds_1 \dots ds_i \right] d\tau$$

или

$$z(t) \leq w(t) \leq \alpha e^{\beta \int_0^t \lambda(\tau) \left[1 + \sum_{i=1}^n \int_0^\tau \dots \int_0^\tau \mu_i(\tau, s_1, \dots, s_i) ds_1 \dots ds_i \right] d\tau}$$

Лемма доказана.

с формулируем условия, обеспечивающие близость решения систем (1) и (3) на конечном отрезке.

Теорема. Пусть функции $X(t, x, y_1, \dots, y_n)$ и

$\varphi_i(t, s_1, \dots, s_i, u_1, \dots, u_i,$

$i = \overline{1, n}$ определены и непрерывны в области

$$Q \left\{ t \geq 0, s_i \geq 0, x, u_i \in D \subset E_k, y_i \in E_{m_i} \right\}$$

где, выполнены следующие условия:

1) вектор-функция X удовлетворяет условию Липшица по x, u_1, \dots, u_n с постоянной λ ;

2) вектор-функция $\varphi_i, i = \overline{1, n}$ удовлетворяют условию Липшица по u_1, \dots, u_i соответственно с функциями $\mu_i(t, s_1, \dots, s_i)$, причем

$$\sum_{i=1}^n \int_0^t d\tau \int_0^{\tau} \dots \int_0^{\tau} \mu_i(\tau, s_1, \dots, s_i) ds_1 \dots ds_i \leq ct, \quad c = \text{const},$$

$$\sum_{i=1}^n \sum_{j=1}^i \int_0^t d\tau \int_0^{\tau} \dots \int_0^{\tau} |s_j - \tau| \mu_i(\tau, s_1, \dots, s_i) ds_1 \dots ds_i \leq t^2 p(t)$$

$$p(t) \rightarrow 0, \quad t \rightarrow \infty;$$

3) в каждой точке $x \in D$ существует предел (2), причем $X_0(x)$ в области D ограничена постоянной M и удовлетворяет условию Липшица по x с постоянной θ ;

4) решение системы (3), удовлетворяющее начальному условию $\xi(0) = x(0) \in D$, определено для всех $t \geq 0$ и лежит в области D с некоторой ρ -окрестностью;

5) вдоль траектории $\xi(t)$:

$$\int_0^t \alpha_i(\tau, \xi(\tau)) d\tau \leq t q_i(t), \quad q_i(t) \rightarrow 0, \quad t \rightarrow \infty, \quad i = \overline{1, n},$$

где

$$\alpha_i(t, \xi(t)) = \left| \int_0^t \dots \int_0^t \varphi_i(t, s_1, \dots, s_i, \xi(t), \dots, \xi(t)) ds_1 \dots ds_i - \right. \\ \left. - \int_0^\infty \dots \int_0^\infty \varphi_i(t, s_1, \dots, s_i, \xi(t), \dots, \xi(t)) ds_1 \dots ds_i \right|;$$

б) функции $\psi_i(t, x)$ удовлетворяют условию Липшица соответственно с постоянными β_i , $i = \overline{1, n}$.

Тогда для любых $\eta > 0$ и $L > 0$ можно указать такое ϵ_0 , что при $\epsilon < \epsilon_0$ на отрезке $0 \leq t \leq L\epsilon^{-1}$ будет выполняться неравенство

$$|x(t) - \xi(t)| < \eta$$

Наше доказательство проводится аналогично доказательству работы [2].

Отметим, что близость решений систем (1) и (3) на бесконечном отрезке времени доказывается использованием результатов аналогичной теоремы [4].



ЮНУСОВ ҲАЙДАРАЛИ МУРАТОВИЧ

*Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия
университети*

*Ницца университети (Франция)
Халқаро оммавий ва хусусий ҳуқуқ
Магистр (2000)*

ЕВРОПА ИТТИФОҚИНИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁ РЕСПУБЛИКАЛАРИ БИЛАН АЛОҚАЛАРИ (МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИСОЛИДА)

Кириш.

Умумевропа бозори ғояси илгари сурилган Ягона Европа ҳужжати (Акти) билан янада кенг ваколатга эга бўлган, аслида иқтисодий характердаги Европа Иттифоқи Маастрихт Шартномасидан сўнг аста-секин умумий хавфсизлик ва ташқи сиёсат ҳамда Адлия ва ички ишлар соҳаларида ҳам мутлақо янги ваколатларни қўлга киритди.

Ўзининг халқаро савдо-сотиқ муносабатларида яқдил овоз, ташқи сиёсат ва халқаро ҳамкорлик соҳаларида эса маслаҳатлашган ягона овоз билан сиёсат олиб боришга эриша олган Европа Иттифоқи, тобора пароканда бўлиб бораётган Советлар иттифоқи деб аталмиш бошқа бир иттифокдан фарқли ўлароқ, муваффақиятли интеграция жараёнининг намунаси сифатида бўй кўрсатмоқда.

Совет иттифоқи тарқалиб кетгач, Европа Иттифоқи ўзининг ташқи сиёсат кундалигида (Ажандасида) олдин мавжуд бўлмаган янги бир минтақа билан юзма-юз бўлиб қолди.

Европа Иттифоқининг Марказий Осиё янги мустақил давлатлари билан муносабатлари янги географик ўлчам касб этади. Европа Иттифоқи ўзининг барча аъзо давлатлари би-

лан бирга Марказий Осиё давлатлари учун МДҲдан ташқаридаги энг катта хом ашё истеъмол бозорини ташкил қилади. Ҳудди шунингдек, 50 миллиондан кўпроқ истеъмолчига эга бўлган Марказий Осиё бозори ҳам Европа Иттифоқининг экспорти манфаатларига мос тушади. Фарбий Европа савдосотиқ соҳасида минтақанинг энг асосий ҳамкори ва молиявий ҳомийси бўлибгина қолмасдан, шунинг билан бирга, сармояларининг ҳам асосий манбаидир. Марказий Осиё минтақаси эса, Фарбий Европани энг асосий энергия манбалари билан таъминловчиларидан бирига айланиши мумкин.

Ҳозирда, Европа Иттифоқи Марказий Осиё республикаларидан экспорт қилинадиган ураннынг энг асосий истеъмолчисидир.

Европа Иттифоқи Қозоғистон, Қирғизистон, Ўзбекистон, Туркменистон давлатлари билан Шериклик ва ҳамкорлик Битимларини (ШҲБ) имзолади. Бу битимлар Европа Иттифоқининг қуйидаги мақсад ва манфаатларини қўловчи асосий воситалар деб ҳисобланмоқда: мазкур республикаларнинг ички уйғунлашувига имкон очиб берувчи демократик институтларни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш; сиёсий ва иқтисодий ислоҳотлар ёрдамида келиб чиқиши эҳтимоли бўлган мажороларнинг доирасини кичрайтириш; Европа Иттифоқининг иқтисодий хавфсизлигини яхшилаш жумладан, энергия ва конлар соҳасида, айниқса, Фарбий Европа нефт ва нефт маҳсулотлари ташиладиган қувурларнинг қайси йўл ва ҳудудлардан ўтказилиши тўғрисидаги музокароларда муҳим ўрин тутишга эришишни хоҳлайди.

Давлат бошқарув институтларини демократлаштириш Европа Иттифоқи ва Марказий Осиё мамлакатлари ўртасидаги мулоқотнинг энг катта мавзуларидан биридир. Шу ўринда айтиш жоизки, икки томонлама имзоланган ШҲБнинг муқаддимаси томонларнинг демократик асосларга, аниқроғи, Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик Ташкилоти (ЕҲҲТ) ҳужжатларида келтириб ўтилган тамойилларга амал қилишни ўз зиммаларига олишларини қайд этади.

Россия ёки АҚШдан фарқли ўлароқ, минтақада Европа Иттифоқининг сиёсий таъсири кам сезилади. Бу эса баъзан Марказий Осиё мамлакатлари ҳукуматлари томонидан Европа Иттифоқининг сиёсий шерик сифатида тан олинмаслигига олиб келмоқда. Шунингдек мазкур омил ўз нав-

батида Европа Иттифоқига ўзи кўзлаган манфаат ва мақсадларга эришувда ҳам тўсиқ бўлиб қолмоқда.

Иттифоқнинг кенгайиши ва унинг институционал ривожланиши билан боғлиқ бўлган қийинчиликларга қарамай, Европа Иттифоқи Марказий Осиё минтақаси мамлакатлари билан ўз алоқаларини ривожлантиришга тобора кўпроқ интиломоқда.

Мазкур муносабатларни ўрганиш мақсадида, аввало биз уларнинг тарихий ривожланиш жараёнини кўриб чиқамиз. Дастлабки қисмда мазкур муносабатларнинг шаклини аниқлаб олгач, тадқиқотимизнинг асосий қисмида уларнинг мазмунини таҳлил қиламиз.

Асосий қисм:

Алоқаларнинг умумий ҳолатининг таҳлили.

Европа Иттифоқи 1992 йил 15 январда Лиссабон ва Брюсселда “ўн иккилар”нинг қўшма Декларациясини қабул қилиш билан Ўзбекистон республикаси мустақиллигини эътироф этди⁵. Тез орада дипломатик муносабатлар ўрнатилди. 1994 йил ноябрда Европа Иттифоқининг минтақамиздаги биринчи ваколатхонаси очилди. Ўзбекистон Республикасининг Европа ҳамжамиятлари қошидаги Миссияси ҳам шу йилдан эътиборан Брюссель шаҳрида ўз фаолиятини бошлади.

Икки томонлама муносабатлар сиёсий, иқтисодий, маданий ҳамкорлик соҳаларини ўз ичига олади. Иқтисодий ва савдо-сотиқ алоқалари энг устивор йўналиш ҳисобланади.

Буни қуйидаги Ўзбекистон - Европа Иттифоқи савдо алоқаларига оид маълумотлар ҳам исботлайди:

Европа экспорти маҳсулотларининг асосий қисмини электр жиҳозлари ва машиналар (32%), қишлоқ хўжалиги ва пластик материаллар (22%) ташкил этса, Ўзбекистон экспортининг катта улуши текстил маҳсулотлари (66%) ва қимматбаҳо металллардан (28%) иборат 2001 ва 2002 йилда ўзаро товар айрбошлашда пасайиш кузатилди.

Шунингдек, 1995-2000 йиллар мобайнида Европа Иттифоқи мамлакатлари корхоналари ва банклари томонидан Ўзбекистонга қилинган умумий инвестиция лойиҳалари 6,4 млрд. АҚШ долларини ташкил этди. 2001 йилнинг ўзида эса бу кўрсаткич 1,2 млрд. АҚШ долларига етди. Бундан ташқари, бугунги кунда Ўзбекистонда фаолият юритаётган фирма ва компаниялар 537 та бўлиб, шундан 134 таси бутунлай Европа сармоялари ассида молияланади.

Икки томонлама муносабатларнинг муаммолари.

Ҳуқуқий аспектда, Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи ҳамкорлигининг ҳуқуқий асослари Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи Республикаси ўртасида 1993 йил 8 июн ва 1999 йил 15 сентябрда “Текстил маҳсулотлари савдоси бўйича битим”, 1996 йил 14 ноябрда наркобизнесга қарши курашда ҳамкорлик қилиш тўғрисида битим ва 10 га яқин бошқа турдаги шартномаларда ўз аксини топган.

1996 йил 22 июнда эса Италиянинг Флоренция шаҳрида Европа ҳамжамиятлари ва уларнинг аъзо давлатлари билан Ўзбекистон Республикаси ўртасида “Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисида” битим имзоланган. Битим икки томонлама муносабатларнинг жуда кенг кўламини қамраб олган бўлиб, унда томонлар ўртасидаги иқтисодий, сиёсий, савдо муносабатларини тартибга солиш, ижтимоий, молия, илм-фан, технология ва маданий соҳаларда ҳамкорлик қилиш учун мустаҳкам асос яратиш каби мақсадлар ўз аксини топди.

Бироқ, мазкур шартномаларнинг ақсарияти амалда ўз ифодасини топмай келмоқда. Жумладан, битимнинг 16 ва 18-моддаларига асосан текстил ва ядровий хом-ашё маҳсулотлари алоҳида тармоқлараро битим орқали тартибга солинади, дейилади. У ҳолда, Европа атом энергияси ҳамжамиятининг ушбу битимга иштирок этиши мазмунсиз бўлиб кўринади.

3-бўлимнинг 8-моддаси ҳар икки томонга энг катта имтиёз берилган миллат (*nation la plus favorisee*) тамойилини белгилайди. Бу тамойил асосан божхона ҳуқуқи, экспорт-импорт тўловлари, тўловлар ўтказиш, тўлов усуллари каби соҳаларни қамраб олади.

11-моддага биноан, Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилиб, ЕИ томонидан импорт қилинаётган маҳсулотлар, ўз навбатида ЕИда ишлаб чиқарилиб, Ўзбекистон Республикасида томонидан импорт қилинаётган маҳсулотлар ҳар қандай миқдорий чекловлар ва тенг таъсирли чоралардан (*mesures d'effets equivalent*) ҳолидир. Бироқ, ҳозирча ҳар икки томон мазкур имтиёздан тўла фойдалана олмаяпти.

Европа Иттифоқи ва Ўзбекистон муносабатлари Европа Иттифоқининг бир томонлама ҳуқуқий инструментлар ёрдами билан ҳам ривожланиб бормоқда. Иқтисодни тиклаш ва соғломлаштиришга кўмаклашиш учун Совет Иттифоқига техник ёрдам кўрсатиш – ТАСИС (TACIS) дастури ана шундай

инструментлардан биридир. ТАСИСга оид биринчи регламент илк бора 1991 йил 15-16 июлда бўлиб ўтган Европа Иттифоқининг Рим Кенгаши томонидан қабул қилинган эди.

1998 йил 28 декабрда эса, 1995-1999 йилларга мўлжалланган ТАСИС дастури муддати тугаётганлиги боис, 2000-2006 йилга мўлжалланган янги дастур лойиҳаси қабул қилинди. Олти йилга мўлжалланган мазкур дастур 3.138 млрд евро билан молияланиши керак бўлиб, ҳар йилги бюджет “Иттифоқнинг молиявий перспективасидан” келиб чиқиб белгиланади. Бироқ, Ўзбекистон мазкур дастур орқали 1991-1999 йиллар давомида 102,5 млн. ЭКЮ миқдорда ёрдам олган бўлиб, бугунги кунда йилига ўртача 25 млн. евро билан таъминланмоқда, холос.

Институционал аспектда, ЕИ ва Ўзбекистон муносабатлари қабул қилинган битим асосида ўзининг ихтисослашган тузилмаларига эга. Битимнинг 78-79 моддаларига кўра “ҳамкорлик Кенгаши” ташкил этилган бўлиб, вазирликлар даражасидаги бу кенгаш йилда бир марта йиғилади ва мавжуд муаммоларни ҳал этади. Унинг биринчи мажлиси 1999 йил 13 сентябрда бўлиб ўтган эди. Шунингдек, 80-модда асосида фаолият кўрсатадиган “ҳамкорлик қўмита”лари кундалик вазифалар билан шуғилланади¹. Бундан ташқари Европа парламенти ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ўртасида ҳамкорликни таъминловчи парламентлараро қўмита ҳам ҳозирги кунга қадар фаолият кўрсатиб келмоқда. Мазкур институтлар фаолиятини янада фаоллаштириш, конструктив ҳамкорликни йўлга қўйиш янада кўпроқ самаралар бериши мумкин.

Европа Иттифоқи ва Ўзбекистон муносабатларида кўзга ташланаётган қуйидаги муаммоли нуқталарга эътибор қаратмоқчимиз:

Биринчидан, Европа Иттифоқи ва Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги муносабатлар ўзининг юқори чуққисига кўтарилганича йўқ. Тенг манфаатли ўзаро алоқаларнинг чексиз имкониятлари ҳали ҳам ўзининг бошланғич палласида қолиб келмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти таъбири билан айтганда, бой Европа давлатлари ривожланаётган мамлакатлар манфаатларига панжа ортида қараб келмоқда.

